

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№1/2020



ҲАРБИЙ ГАЗЕТА
мафкуравий қурол(ми?)

ВИРТУАЛ
оламдаги болалар

**КОРРУПЦИЯНИ
ЕНГИШДА**
таълимнинг аҳамияти

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ҲИМОЯСИ**
такомиллашув босқичида

МУНОСАБАТ

Коррупцияга қарши кураш – фүқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати



МУТАХАССИС МИНБАРИ

Тадбиркорлик соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари 8

ДАВРА СУҲБАТИ

Инсон хуқуқлари ҳимояси такомиллашув босқичида 14



20

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари

ҲАРБ ИЛМИ

Буюк стратег 24

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Тараққиёт тушови 28

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Коррупцияни енгишда таълимнинг аҳамияти ..30



Тарихий манбалардан маълум-ки, соҳибқирон ўз замонасининг тенгисиз наизабози, қиличбози, курашчиси бўлган. Буюк жаҳонгир бунга талабчан устозлар сабоги, тинимиз машқулар ва албатта туғма истеъоди сабаб эришган. Болалигидан зийрак ва элчили Темурберек моҳир чавандоз ва мерган камончи сифатида ҳам танилади.



34

НУҚТАИ НАЗАР

Меҳнат шартномасини бекор қилиш: бунда иш берувчининг манфаатлари ҳам ҳисобга олинадими?

ОИЛА ТИНЧ – ОЛАМ ТИНЧ

Инсон камолотининг бош бўғини 40



44

ТАДКИҚОТ

Аудиторлик хизмати кўрсатиш шартномаси

ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ


Раҳбар кадрлар 48

АРХИВДАГИ БИР ЖИЛД

Ҳарбий газета мафкуравий қурол(ми?) 50

МУНОСАБАТ

Виртуал оламдаги болалар 55



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги,
Бош прокуратураси,
Конституциявий суди,
Олий суди

Таҳрир кенгаши:

Русланбек Давлетов
Нигматилла Йўлдошев
Бахтиёр Мирбобеов
Козимджан Камилов

Бош муҳаррир:
Аслиддин Алмадронов

Таҳрир ҳайъати:

Акбар Тошқулов
Бахтиёр Исақов
Светлана Ортикова
Ҳаёт Шамсутдинов
Шерзод Рабиев
Нодирбек Салаев

Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов
Навбатчи муҳаррир:
Шавкат Ёдгоров

Журнал саҳифаларида Аҳмад Тўра ва
ЎзА фотосуратларидан фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали
Ўзбекистон. Матбуот ва ахборот агентлигига 2012
йил 13 ионда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатта
олинган. Журнал 2006 йил март оидидан чиқа
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.
Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-
ҳуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз
қилиш ва қайтариш мажбурийтини олмаган.
PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат
мақолалари ҳисобланади.

Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-үй.

Телефонлар:

Ижодий бўлим: 277-04-23, 277-04-51.
Обуна бўлими: 277-04-26; Бухгалтерия: 277-04-72
web-site: www.huquqburch.uz;
e-mail: info@huquqburch.uz

facebook.com/huquqburch.uz

telegram.me/huquqburch.uz

Журнал 11.02.2020 йилда босмахонага топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.
Шарти 8 б.т. Буюртма №618. Адади: 4040.
«Колорлак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-йй.




Коррупцияга қарши кураш –

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилишининг муҳим кафолати



Аввало, шуни қайд этиш ўринлики, муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир чиқишлари, хусусан, мамлакат ҳаёти учун стратегик аҳамият касб этувчи маъруза ва мурожаатлари нафақат ҳалқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш ва хайриҳоҳлик билан кутиб олинмоқда.



Янги шаклланган Олий Мажлисга йўлланган дастлабки Мурожаатнома ҳам бундан мустасно бўлмади.

Нуфузли маҳаллий ва хорижий экспертларнинг яқдил хулосасига кўра, Президентимиз Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг жорий йил ва яқин истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи стратегик ва айни пайтда фундаментал асосга эга бўлган хўжжатдир.

Дарҳақиқат, Мурожаатнома тимсолида Ўзбекистондаги бугунги ислоҳотлар моҳиятини, яқин йилларда юртимизнинг бутун қиёфаси қай тарзда жозибадор бўлишини, ҳалқимиз ҳаёти нечоғлик осуда, фаровон ва баҳтиёр кечишини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Мурожаатномада белгилаб берилган улкан мэрралар шунчаки эзгу ният ёки хоҳиш-истак эмас.

Аксинча, унданда ҳар бир вазифа ижро механизми, бунинг учун масъуллар, муддатлар, молиявий манбалари билан уйғун ҳолда байди этилди.

Энг муҳими, хўжжатда аввало, инсон ва унинг манфаатлари устувор ўринга қўйилган.

Яъни, «Ҳалқ давлат органлariга эмас, балки давлат органлари ҳалқда хизмат қилиши керак» деган асосий тамойилга мувофиқ барча ресурслар, имкониятлар ҳалқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши қатъий таъкидланди.

Ҳалқимиз эса бундай янги ва оқилона сиёсатни яқдиллик билан қўллаб-куватламоқда.

Зотан, адолат тантанаси ва қонун устуворлигини ўзи учун асосий шиорга айлантирган давлат фуқароларидағи сиёсатга ишонч, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари мустаҳкам бўлиши ҳаммага маълум.

Соҳибқорон Амир Темур ҳам Оқсарой пештоқига «Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир» деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас. Буюк саркарда ана шу гоя асосида миллатни энг эзгу ва улуғвор мақсадлар йўлида бирлаштиргани ва сафарбар эта олгани тарихдан яққол аёндир.

Янги Ўзбекистоннинг янгилangan сиёсати ҳам айнан инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўzsиз таъминлаш каби юксак ғояларга таъимоқда.

Бироқ, афуски, бу йўлдаги ислоҳотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар сақланиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, улардан бири ва энг хавфлиси – коррупциядир.

Бу иллат аввало ҳалқимизнинг давлат ва ислоҳотларга ишончини сўндириши, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириши билан ҳам фоят хатарлидир.

Шу боис истиқтол йилларида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига ва бошқа ҳалқаро хўжжатларга қўшилганлиги бу борада ташланган дадил қадам бўлди.

“

2017–2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг жиной жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги ҳам коррупцияга қарши курашиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бер-маслигини кўрсатмоқда.

Мухтарам Президентимиз ташабbusлари билан қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ва алоҳида давлат дастурида эса навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қонунда илк бор коррупция ва манфаатлар тўқнашуви тушунчаларига таъриф берилди.

Шунингдек, қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органлар ҳамда уларнинг мақоми аниқ белгилаб қўйилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолитни мувофиқлаштириш учун Бош прокурор раҳбарлигига Коррупцияга қарши курашиш бўйича



республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзининг туб моҳияти билан айнан коррупцияни таг-томири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий хужжат бўлди.

Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, илдиз отишига шароит ярататётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар баён қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳукуқий хужжат билан 2019 – 2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иккинчи давлат дастури тасдиқланди.

“

Бинобарин, прокуратура орғанлари учун Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифалардан бири ҳам – бу сўзсиз, коррупция иллатига қарши кураш санарадорлигини оширишдир.

Юқорида қайд этилганидек, кейинги уч йил давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва ғоялари, амалий саъй-ҳаракатлари натижасида бу иллатни таг-томири билан йўқ қилиш борасида катта қадам қўйилди.

Алоҳида эътироф этиш жоиз, сўнгги йиллarda мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳукуқий ислоҳотлар амалга оширилди.

Биринчидан, давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифалари тубдан такомиллаштирилди. Маъмурий ислоҳотлар концепцияси тасдиқланди.

Давлат органлари ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминоти ва рағбатлантирилишини кучайтиришга қаратилган чоралар кўрилди.

Хусусан, охирги уч йилда давлат хизматчилалининг иш ҳақи ўртача қарийб 60 фоизга, айрим соҳаларда эса бир неча баробарга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунаий қоидаларига асосан барча вазирлик ва идораларда одоб-ахлоқ меъёрлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат хизматини ривожлантириши кўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Меритократия ва очиқ танловлар асосида давлат фуқаролик хизматининг «карьера модели»ни жорий этиш ишлари бошланди.

Иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлами ҳимоя қилиш йўлидаги бюрократик тўсиклар ва коррупциоген ҳолатларни бартараф этишга қаратилган мақсадли чоралар кўрилди.

Давлат органларининг назорат-текширув вазифалари мақбуллаштирилди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди. Улар фаолиятига қонунга хилоф равища аралашишга йўл қўймаслик мақсадида Тадбиркорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти жорий қилинди.

Савдо-саноат палатаси тизими тубдан ислоҳ этилди, давлат активларини бошқариш тизими ҳам такомиллаштирилди.

Давлат харидларининг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, соҳада ошкоралик, шаффофликни таъминлаш, пировардида коррупциянинг олдини олиш мақсадида «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш

мақсадида жорий йилда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди. Унга мувофиқ солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тұлаш муддатини узайтириш ёки бүлиб-бўлиб тұлашга рухсат бериш бўйича енгилаштирилган механизмлар жорий этилди.

2019 йилда бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнашишнинг янги тартиби белгиланди ҳамда илк бор давлат бюджети конун тарзида қабул қилинди.

Учинчидан, давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий таомилларни тартибга солишнинг ҳукуқий ва институционал асослари токомиллаштирилди.

Хусусан, маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддлаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудларда 201 та давлат хизматлари марказлари очилди.

Хозиргача ушбу марказлар томонидан аҳолига 120 та давлат хизмати кўрсатиб келинаётган бўлса, 2020 йилдан марказлар орқали 160 дан ор-

тиқ шаффоғ, қулай ва тезкор давлат хизматлари ни кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув таймилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, жорий йилдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 турдаги ваколати тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди.

Шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 5 турдаги ваколати чиқарип ташланди.

Тўртингидан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири соҳада коррупцияга барҳам бериш тизимини тубдан токомиллаштиришга қаратилганида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди. «Ички ишлар





органлари тўғрисида»ги, «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги қонулар қабул қилинди.

Шунингдек, чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг нуфузини ошириш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни танлаш, тайинлаш тизими такомиллаштирилди.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг кўшма қарори асосида суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бешинчидан, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган халқчил тамойил асосида барча погонадаги мансабдор ва масъулларнинг одамлар ичига кириб бориш, уларнинг муаммоларини уйма-уй юриб ҳал этиш тизимининг жорий этилгани коррупцияга қарши курашишда ўзининг смарасини бера бошлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатларини кўриб чиқиши учун Халқ қабулхоналари, Президент портали ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг «ишонч телефон»лари жорий қилинди.

Олтинчидан, жамиятда парламентнинг, ўзи ни ўзи бошқариш органларининг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавзеи кучайтирилиб, уларга давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича кенг ваколатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқук масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилгани ушбу соҳада самарали парламент назоратини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари таркибида коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялар фаолият бошлади.

Ўзбекистон Республикаси парламенти палаталари томонидан «Коррупцияга қарши кура-

шиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» кўши мақор қабул қилинди.

Еттингчидан, норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг хуқуқий асослари та комиллаштирилди.

Энг муҳими, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимили муаммоларни бартараф қилишга қаратилган 30 га яқин қонун, 100 га яқин Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Маҳаллий эксперталр, қолаверса, ҳалқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидек, бундай чоралар қисқа мuddатда ўз натижасини кўрсата бошлади.

Жумладан, «Transparency International» ҳалқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган «Коррупцияни қабул қилиш индекси» рейтингида Ўзбекистон 5 ўрин юқорига кўтарилид.

Дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – «The Economist» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди.

Айни пайтда коррупцияга қарши курашиш борасида қўлга киритилган ютуқлардан кўра ҳали қилинадиган ишлар кўп.

2017-2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг жинойи жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги ҳам коррупцияга қарши курашиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кучи билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ижобий натижаларга эришиб бўлмаслиги сир эмас.

Аввало, кенг жамоатчиликнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабати шакланиши зарур.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қиласин, ҳалқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали ку-

рашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиiddий курашиши керак.

Албатта, бу маشاқатли, бироқ амалга оширишимиз мумкин ва шарт бўлган вазифадир. Зотан, 2019 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 86,6 фоизи коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашларини билдиришган. Демак, жамоатчилик коррупцияга қарши кураша давлат органларига қўмаклашишга тайёр.

Бинобарин, прокуратура органлари учун Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифалардан бири ҳам – бу сўзсиз, коррупция иллатига қарши кураш самараорлигини оширишдир.

Юқорида қайд этилганидек, кейнги уч йил давомида давлатимиз раҳбарининг ташабbus ва ғоялари, амалий саъй-ҳаракатлари натижасида бу иллатни таг-томири билан йўқ қилиш борасида катта қадам қўйилди.

Бироқ, тан олиш керакки, шунча шароит ва имкониятларга қарамасдан, жамиятнинг бу балодан тамомила холос бўлишига эришилмаяпти.

Айниқса, баъзи соҳа ва тармоқларда коррупцияга қарши қўлланаётган ва шу тизимларнинг юқори идоралари томонидан белгиланган чора-тадбирлар кутилган натижани бермаяпти.

Чунончи, яқинда Бош прокуратура томонидан соғлиқни сақлаш, олий таълим тизимларидаги, шунингдек, ердан фойдаланишдаги коррупция ҳолатлари таҳлилига багишлаб ўтказилган тадбирлардан жамоатчилик яхши хабардор.

Биз ушбу йўналишлардаги коррупциявий ҳолатларни аниқ таҳлиллар, факт ва рақамлар асосида муҳокама қилдик, масъулларга, хусусан, прокуратура органларига тегишли кўшимча кўрсатмалар бердик.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномада бу борада илгари сурган ташабbusлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Хусусан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали инсон омилини камайтириш коррупцияни ўйқотишида катта самара беради.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, эндилиқда суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини

эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деган савонни ҳам кўндаланг қўядиган тазийклар учун жавоб берадиган вақт келди.

Бу ҳам, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзида коррупцияга барҳам беришнинг энг муҳим омиллари дандир.

Айни пайтда парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъуб бўладиган алоҳида орган ташкил этиш ташабbusи давлат бошқарувидаги тарихимизнинг янги саҳифасига асос солди.

Зеро, жаҳоннинг кўплаб барқарор ва та-

“

Хусусан, маъмурӣ ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудларда 201 та давлат хизматлари марказлари очилди.

раққий этган мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида органлар давлат ва жамият равнақига катта ҳисса кўшмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси барча йўналишлар қатори коррупцияга буткул чек қўйишнинг янги истиқболларини очиб берди.

Бу тарихий имкониятдан оқилона фойдаланиб, давлат ва жамият равнақига ҳисса қўшиш баҳтига, пировардида ҳалқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлишига эришиш барчамизнинг ҳамкорлиқдаги ҳаракатларимизга, шиҷоатимиз ва фидоилигимизга боғлиқдир.

Нигматилла Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикасининг
Бош прокурори



Тадбиркорлик соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашувчи замонавий бозор муносабатларини шакллантиришнинг мухим масалаларидан бири – бизнесни юритиш йўлидаги ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилишdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини либераллаштиришга доир ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу ҳукуқий ҳужжат билан 60 турдаги ёки 24% лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, ички тартиб-таомилларни соддалаштириш ва керакли ҳужжатларни келишишни оптималлаштириш ҳисобига 25 турдаги рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириб бериш муддатлари қисқартирилди.

Маъмурий тартиб-таомилларни мақбуллаштиришга қаратилган сэйй-ҳаракатлар натижасида республикада бизнес юритиш жараёнлари енгиллашмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиши - 2020» үйлilik ҳисоботига Ўзбекистон 7 поғона юқорилаб, ишибилармонлик мухитини яхшилашда энг юқори кўрсаткичга эришган 20 мамлакат қаторига кирди.

Эришилган ютуқларга қарамасдан соҳада ҳозирги замон ижтимоий-иктисодий ва технологик ривожланиши даражасига жавоб бермайдиган мөъёлрлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ҳусусан, айрим фаолият турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидағи мав-

жууд камчиликлар сабабли тадбиркорлик субъектлари учун лицензия ва рухсатномаларни олиш жараёни тадбиркорлик фаолиятини юритишида ортиқ-ча оворагарчиликни келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунга келиб, жами 62 та фаолият тури лицензияланади. Шунингдек, таъкидлаш жоиз, рухсат бериши тусидаги айрим ҳужжатлар бозор иқти sodиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг замонавий талабларига жавоб бермайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилингандарни ҳам борлиги алоҳида қайд этилди.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсманга лицензия

ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камидага 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ таклифлар киритиши вазифаси юкланди.

Қайд этиш лозим, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлигига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуслар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари кириши лозимлиги белгиланган.

Худди шу мазмундаги қоида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ҳам назарда тутилган.

ФАКТ:

Айрим фаолиятлар жараёнида фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари, соғлиги, жамоат хавфсизлигига зарар етмайди, бироқ уларни амалга ошириш учун лицензия ёки рухсат бериш ҳужжати талаб этиш кузатилмоқда. Ҳусусан, лицензияланадиган фонограммаларни тайёрлаш, баҳолаш, аудиторлик ва ризалторлик фаолиятлари, рухсат берувчи ҳужжат талаб этиладиган автовокзал (автостанция) фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, банкларга ўз банк шўйбалари, филиаллари ва ваколатхоналарини очиш шулар жумласидандир.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТИЗИМИДАН ТАШҚАРИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ КАБИ ТАДБИР-КОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛАДИГАН БОШҚА МЕХАНИЗМЛАРДАН ҲАМ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

Сертификатлаштириш – маҳсулот ёки хизматнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган жараён.

Юқорида қайд этганимиздек, амалиётда тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва сертификатлаштириш борасида бир-бирини тақрорлаш ҳолатлари мавжуд. Масалан, туроператорлик учун белгиланган тартибда лицензия расмийлаштириш билан бирга тегишли хизматларни кўрсатиш сертификатини ҳам олиши лозим. Сертификатнинг амал қилиш мuddати берилган сертификатни ҳар йили тасдиқлаган ҳолда – 3 йил. Тадбиркорлик субъектлари факат белгиланган тартибда тегишли сертификатлар олингандан кейин ва уларнинг амал қилиш мuddати давомида туроператорлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга¹.

Бундан ташқари, малака сертификатини бериш амалиёти ҳам мавжуд бўлиб, лицензияланадиган фаолият билан якка тартибдаги тадбиркор шуғулланадиган бўлса – ўзи, юридик шахс шуғулланган тақдирда эса унинг штатида тегишли малака сертификатига эга бўлган мутахассис бўлиши лозим. Аксарият ҳолларда

лицензия шартларида тегишли малака сертификатига эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги талаб этилади.

Эътибор қаратилса, малака сертификатини бериш ва лицензиялаш ҳам бир ваколатли орган томонидан амалга ошириш ҳолатлари мавжуд. Масалан, ризлторлик фаолияти билан шуғулланиш учун ризлторлик ташкилоти (юридик шахс) лицензия ва штатида ризлторнинг малака сертификатига эга бўлган камида икки нафар ходими бўлиши керак. Ризлтор (якка тартибдаги тадбиркор) эса малака сертификатига ва лицензияга эга бўлиши даркор. Ҳудди шундай талаблар аудиторлик фаолиятини, баҳолаш фаолиятини ҳамда нодавлат таълим мусассасаларининг четтиларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялашда ҳам мавжуд.

Аккредитация – юридик шахснинг муайян фаолият соҳасида ваколатли эканлигини расман тасдиқлашdir.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим мусассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотла-

рини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида²ги низомга асосан аккредитация таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари ҳамда мезонларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунаидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат. Лицензиялашдан фарқли ўлароқ, аккредитация мусассасанинг маълум стандартларга жавоб беришини исботлаганини билдиради.

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият лицензияланадиган фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади². Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мазкур фаолиятни лицензияловчи органdir. Шу билан бирга, «Таълим тўғрисида²ги қонунда таълим мусассасаларини лицензиялаш зарурияти умуман белгиланмаган. Ушбу қонуннинг б-моддасида нодавлат таълим мусассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги 355-қарори билан тасдиқланган Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-қарори билан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати.

белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шаҳс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлиши қайд этилган.

Мазкур ҳолатда лицензиялаш ва аккредитациядан ўтказиш бир-бирини тўлдириб борувчи тартибга солиши усулларидир. Лицензиялаш жараёнида таълим муассасаси мълум бир талаб ва шартларга риоя этишини ўз зиммасига олса, аккредитациядан ўтказишида таълим муассасаси ўқитиш тизимида ишонч билдириши мумкинligини англатади. Қонунчиликдаги зиддиятни бартараф этиш учун нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини «Таълим тўғрисида»ги қонунда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бўлишига қарамасдан кўплаб лицензия ва рухсатномаларни бериш бўйича аризаларни тақдим этиш ва лицензия (рухсатнома) бланкаларини расмийлаштириш ҳанузгача анъанавий «қоғоз» шаклида амалга оширилиб келинмоқда.

Маълумки, ҳозир давлат хизматларини кўрсатиш, жумладан, лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ жараёнларга босқичма-босқич ахборот-коммуникация технологиялари жоий қилинмоқда.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Ўзбекистон Республикаси Пезидентиниг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан Давлат хизматлари марказлари орқали бериладиган рухсатнома ва лицензияларни маҳсус бланкаларда расмийлаштириш тартиби бекор қилинган.

Лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш ваколатли органларнинг марказий аппаратлари томонидан амалга оширилётганлиги тадбиркорларнинг Тошкент шаҳрига кеби-кетиши билан боғлиқ вакт ва молиявий харажатларининг кўпайишига олиб келмоқда.

Хусусан, 2020 йил 1 январь ҳолатига жами 13 турдаги лицензия ва 23 турдаги рухсатномаларни бериш давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП**) орқали амалга оширилмоқда.**

Бироқ лицензияларнинг 79% (50 та) ва рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80% (117 та) ҳанузгача анъанавий усулда («қоғоз» шаклида) расмийлаштириб келинмоқда.

Ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатномаларни бериш муддатларини бузиш, тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш, лицензия ва рухсатнома талабларига риоя эти-

лишини назорат қилмаслик ҳолатлари бартараф этилмасдан қолмоқда.

2019 йилда Адлия вазирлиги томонидан ваколатли органларда ўтказилган ўрганишларда улар томонидан лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни беришда бир қатор қонунбузилишларга йўл кўйилганлиги аниқланди.

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилинмаган.

Жумладан, Давлат геология кўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектларига норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия беришда **10** та ҳолатда муддат бузилишига йўл кўйилган.

Мисол учун, «Yodgor Nur Savdo» МЧК томонидан 2019 йил 19 апрелда норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкасидан геологик ўрганиш учун фойдаланиш ҳуқуқини олишга ариза топширилган бўлса-да, 2019 йил 14 май куни (**33 кун ўтиб**) лицензия олиш учун аризачига хат юборилган.



МАЪЛУМОТ УЧУН:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 4-бандига мувофиқ 2019 йил 1 апрелдан бошлаб норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкасидан геологик ўрганиш учун фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда берилади.

Худди шундай муддат бузилишлар Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан кон ажратмаси далолатномаларини беришда **5 та** ҳолатда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг мумалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашда **80 та** ҳолатда (*лицензияни қайта расмийлаштириши*), Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим

сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан нодавлат таълим хизматлари ни кўрсатишни лицензиялашда **438 та** ҳолатда такрорланганини аниқланган.

2. Қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилиб олинган.

Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси-

дан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензия беришда мавжуд **63 та (100%)** лицензия талабгорларининг барчасидан низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар олинган.

Масалан, «Inter Trud xususiy bandlik agentligi» МЧЖдан штат жадвали, юридик шахснинг номи ўзгарганлиги тўғрисида маълумот, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида тувоҳнома, жамият устави, ходимлар тўғрисида маълумот (бўйруқ, паспорт нусхалари), раҳбарнинг паспорт нусхаси олинган.

Шу каби қонунбузилишларга Давлат геология қўмитаси томонидан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия беришда **15 та** ҳолатда йўл қўйилган.

3. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия шартномасини тузиш масаласига юзаки ёндашилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 2019 йил давомида **1042 та** тадбиркорлик субъектига нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш учун лицензия тақдим этилган.

Бироқ, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мазкур лицензиатлар билан лицензия шартномаси тузиш бўйича бирор-бир чора кўрмагани аниқланди.



МАЪЛУМОТ УЧУН:

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра, лицензия даъвогари давлат бози тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда ҳамда у лицензия шартномасини имзолаганидан кейин лицензия берилади.

Бундан ташқари, таҳлиллар лицензияловчи органлар лицензия шартномаларида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган лицензия талаблари ва шартларини белгилаган ҳолда тадбиркорлик субъектларига асоссиз мажбуриятлар юклашётганини кўрсатмоқда.

Хорижий амалиётга назар ташласак, Грузиянинг «Лицензиялар ва руҳсатномалар тўғрисида»ги қонунида лицензия талаблари ва шартлари тўғридан-тўғри белгиланган бўлиб, қўшимча тарзда лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида лицензия шартномасини тузиш назарда тутилмаган. Худди шундай ёндашувни Россия Федерациясининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги федерал қонунида ва Қозоғистон Республикасининг «Руҳсатнома ва хабарномалар тўғрисида»ги қонунида ҳам кўриш мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қўйидагилар таклиф этилади:

I. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуларни «Маъмурӣ тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун нормаларини инобатга олган ҳолда бирлаштириш йўли билан янги таҳрирда қабул қилиш.



Бунда:

- лицензияланадиган фаолият йўналишлари ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат берувчи ҳужжатларнинг аниқ сони ва рўйхатини шакллантириш;
- баъзи турдаги фаолият ва ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартибини жорий қилиш ва унинг рўйхатини белгилаш;
- риоя этилиши шарт бўлган лицензия талаб ва шартларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаш йўли билан лицензия шартномасини расмийлаштириш амалиётидан воз кечиш;
- лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тўлиқ электрон шаклда амалга оширишга ўтиш, бунда давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш, лицензия (руҳсатнома)ларни маҳсус бланкаларда расмийлаштириш амалиётидан тўлиқ воз кечиш;
- лицензия ва руҳсатномаларни фақат суд тартибида бекор қилиш тартибини жорий қилиш орқали лицензия ва руҳсатномаларни тутгатиш амалиётидан воз кечиш.

Жавоҳир КУЛИЗОДА,

Аддия вазирлиги Ихтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни кўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси бўйлим бошлиғи



Инсон ҳуқуқлари ҳимояси такомиллашув босқичида

Инсон борки, баҳтили ва фаровон яшашни истайди. Бунинг учун эса энг аввало унинг ҳақ-хуқуқлари ҳимояси түлиқ таъминланиши лозим. Шу нүктай назардан юртимизда фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, айни пайтда ушбу тизим замон билан ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан ташкил этилган давра суҳбатида айни масалага алоҳида урғу берилди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasida акс этган устувор йўналишлар мұхқомасига бағишланган мазкур тадбирда Конституциявий суд, Олий суд раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари, ҳалқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимовнинг таъкидлашича, суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – суд ҳокимияти мустақилликини таъминлаш орқали фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини амалда кафолатлашдан иборат. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти айнан Конституцияга амал қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ. Бу йўналишда кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, суд ходимларини қайта тайёрлаша ва малакасини ошириш, Ҳаракатлар стратегияси, даврий ҳисоботларни ишлаб чиқиш бўйича тадбирлар жуда муҳим ҳисобланади. Одил судлов соҳасидаги ҳалқаро стандартларни миллий амалиётта татбиқ этиш мақсадида Ҳаракатлар

стратегияси доирасида суд-хуқуқ ислоҳоти амалга оширилмоқда ва судлар мустақилликини куҷайтириш чоралари кўрилмоқда.

Қонун устуворлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган қонунлар, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари фактат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Бахтиёр Мирбобеов айни жараёнда конституциявий назоратнинг ўзига хос жиҳатларини қайд этди. Бинобарин, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳәтимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни ўтказишимиз зарур. Бу эса пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мulkининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат килиш, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Тадбирда иштирок этган хорижий давлатлар элчилари ва ҳалқаро ташкилотлар вакиллари инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги ислоҳотларнинг доимий такомиллашиб бораётганини эътироф этиш баробарида ўз тажриба ва тавсияларини ҳам билдириб ўтди.

Ган маросимдаги маъруzasida ўз ҳалқига ажойиб нутқ билан мурожаат қилди. Айтишим керакки, айни дамда мамлакатингизда бўлаётган барча ислоҳотлар, у иқтисодий-ижтимоий ҳаётда ёки суд-хуқуқ тизимида бўладими, албаттa ҳалқ томонидан кўллаб-қувватланиши керак.

Жамоатчилик назорати — ўзига хос кучли механизм. Айнан у мавжуд ислоҳотларнинг давомийлигини таъминлаб берувчи воситадир. Шунинг учун ҳам нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ходимларининг, балки оддий ҳалқнинг ҳам ҳуқуқий онгини шакллантириш зарур деб ҳисоблайман. Чунки инсонлар қанчалик ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билса, шунчалик қонунбузилиш ҳолатлари рўй бермайди. Бу борада ОАВнинг ўрни жуда салмоқли. Чунки айнан улар қонун устуворлиги йўлида қабул қилина-

Хелена ФРЕЙЗЕР,

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили:

— Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Президенти Конституция қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишлан-



ётган янги нормаларни халқقا етказиб берувчи энг муҳим манбадир.

Ўзбекистон 2019 йилда БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига ўз ҳисоботини тақдим этди. Албатта, бу ҳам мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қўйилган катта қадам бўлди. Сабаби айнан мана шу каби ҳисоботларда давлат-

ларга амалиётга кенг жорий этиши мумкин бўлган кўплаб тавсиялар берилади. Бугунги анжуманда ҳам қатор халқаро ҳамжамият вакиллари иштирок этишди. Мана шу учрашувларда кўп бора таъкидланаятики, Ўзбекистон тўғри йўлдан кетаётган ва биз шу йўсинда давом этиб муваффақиятга эришишини тилаб қоламиз.



**Дэниел РОЗЕНБЛЮМ,
АҚШнинг Ўзбекистондаги
фавқулодда ва мухтор элчиси:**

– Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, уни тако-миллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ниҳоятда мураккаб ва кенг кўламли ҳаракатларни талаб этади. Иқтисодчиларимизнинг тили билан айтганда, бутун бир ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш учун тизимни шакллантириш ва уни тақомиллаштириш талаб этилади. Суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам, иқтисодиёт соҳасида ҳам талаб ва тақлиф томони бор. Биз ўзимизнинг ташкилотимиз ҳақида гапирав эканмиз, Ўзбекистон ҳукумати билан кўпроқ тақлиф томон билан ишлаб келаямиз. Яъни суд-ҳуқуқ тизимида тақлиф деганда, суд органлари, ҳуқуқ соҳасида ўз хизматларини кўрсатиб келаётган барча мутасадди ташкилот ва идораларни, талаб томони сифатида айнан фуқаролик жамиятини назарда тутамиз. Ҳозир биз Олий суд, Адлия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлеклари билан биргаликда ишляпмиз ва уларни тақлиф томони деб айтамиз. Келгусида биз нафақат тақлиф томони билан, балки талаб томони билан ҳам ишлашни кўзда тутганимиз. Жамият нимани талаб қилаётган? Жамият ҳуқуқ устуворлигини ўр-

натиш ва таъминлашни талаб қилаётган. Кейинчалик биз ушбу мақсадларга эришиш учун фуқаролик жамиятия ташкилотлари ва ОАВлар билан ишлашни репжалаштирганимиз. Ушбу соҳа нафақат биз учун, балки бошқа халқаро ташкилотлар учун ҳам янги соҳа ҳисобланади. Бунда биз аҳолининг, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий билими, хабардорлиги ва саводхонлигини ошириш масалаларида ишлаймиз. Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш боғча ёшидан бошланиши керак, ҳуқуқий билим оналарнинг фарзандларига куйлаб бераётган аллаларида ўз аксини топиши лозим. Бу ўзига хос чиройли фикр бўлди. Келгусида АҚШ каби мамлакатлар суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган орган ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан манбаатдор деб ўйлайман.

Суд-ҳуқуқ соҳасида АҚШ тажрибасига тўхтададиган бўлсан. Умуман олганда, қонун устуворлигини таъминлаш концепцияси Америка ҳаётида ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Лекин у концепция Американинг ўзида ҳам тахминан 240 йил олдин пайдо бўлган ва бу концепцияга асос солган шахсларга нисбатан айнан мамлакатимизга асос солган оталар деб мурожаат қиласиз. Авваламбор, бу концепция – ҳуқуқ вакили бўлмиш инсонлар камчиликни, ҳалик эса кўпчиликни ифодалайди деган фикрдан келиб чиқкан. Ҳукуматда бўлган камчилик ўзининг манбаатларини илгари суриш, ҳимоялаш ва амалга татбиқ этиш йўлида кўпчиликнинг манбаатларига зид ва қарши равища ҳаракатланиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз мамлакатимиз гуллаб-яшнаши ва барқарор ривожланиши учун ҳукуматда алоҳида бир шахсларни, етакчиларни кўллаб-куватлашимиз эмас, балки мамлакатда ҳуқуқ устуворлигини таъминловчи тизимларни шакллантишимиз керак ва бу тизимларни амалга татбиқ этишимиз лозим деган



хуносага келганимиз. АҚШ бу соҳада ниҳоятда катта, кўп йиллик, кўп асрлик тажрибага эга десам муболаға бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан, бугунги тадбирда иштирок этган Франция, Германия каби бошқа мамлакат вакиллари айтиб ўтганидек, улар ҳам ниҳоятда улкан тажрибага эга ва Ўзбекистон би-

лан ўзининг энг илфор тажрибаларини ўртоқлашишга тайёр. Шунинг учун ҳам мен Ўзбекистон ҳукумати ва халқини АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибасидан кенг фойдаланиш ҳамда юрtingиз шароитларини инобатга олган ҳолда амалга татбиқ этишига чақириб қоламан.



Гюнтер ОВЕРФЕЛЬД,

**Германия Федератив Республикасининг
Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор әлчиси:**

— Германия Ўзбекистонда олиб борилётган суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотларни 10 йилдан ортиқ давр мобайнида кўллаб-куватлаб келмоқда. Суд тизимидағи ислоҳотларнинг айнан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан

амалга оширилгандиги тизимдаги кўп элементларнинг фақат биттаси эмас, балки бутун ислоҳот жараёнининг марказида жойлашган бир элемент деб хисоблайман.

Бизнингча, келгусида эътиборни судларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида янада кўпроқ ишларни олиб боришга қартиш лозим. Чунки судлар мустақиллиги коррупцияга қарши курашиб билан чамбарчас боғлиқ. Нафақат судлар фаолиятида, балки умуман ҳуқуқ тизимини ва адвокатура институтини янада такомиллаштиришда мухим ўрин тутади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида 33 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётган мамлакатда 4 мингта адвокат борлигини ва шундан 60 фоизи 50 ёшдан ошган, улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қайд этди. Албатта, бундай ҳолат адвокатларнинг янги авлодини тайёрлашни талаб этади. Агарда мамлакатда етарли дараҷада адвокатлар фаолияти йўлга қўйилса, барча соҳада вужудга келадиган муаммоларни самарали равишда ечиш имконияти яратилиади.



**Матилда ДИМОВСКА,
БМТ Тараққиёт дастурининг
Ўзбекистондаги доимий вакили:**

— БМТнинг Тараққиёт дастури номидан ташкилотимиз Ўзбекистонда ҳозир суд-хуққ үстуворлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни кўллаб-куватлашга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоғчиман. Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати ва Олий суд билан бир неча йўналишларда судьяларнинг мустақиллиги, суд тизимининг шаффоғлиги ва суд ваколатлари юзасидан кенг кўламда ишлар олиб бораётмиз, USAID ва Европа Иттифоқи билан яқиндан ҳамкорлик қўлмоқдамиз. Демак, суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш ҳам бизнинг ҳамкорлигимиз доирасида ниҳоятда устувор вазифа ҳисобланади.

Тизимда янада такомиллаштирилиши лозим бўлган йўналишлар ҳам мавжуд. Авваламбор,

бу инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияларнинг меъёр ва нормалари мамлакатда янада тўлақонли амалга оширилиши масаласи, бунда адвокатлар мустақиллигини таъминлаш ҳам жуда мұҳим. Бундан ташқари, суд тизимида чекловлар ва мувозанат тизимини амалга жорий этиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Маълумки, БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи натижалари бўйича маҳсус ҳисоботи 2020 йилнинг июнь ойларида чоп этилиши кутилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу ҳисобот суд органлари мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қиласди.

Азиз ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
матбуот хизмати раҳбари

«Адолат – қонун устуворлигига»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси
билан ҳамкорликда суд-хуқуқ ислоҳотларини,
шунингдек судлар фаолиятини оммавий ахборот
воситаларида ёритилишини янада
такомиллаштириш мақсадида
«Адолат – қонун устуворлигига»
танловини эълон қиласди.



Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидағи ислоҳотларни ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги хуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

ТАНЛОВДА ҚҮЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича голиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



Эркаклар билан хотин-қизлар ўртасидаги тўлиқ ва ҳақиқий тенглик қонун устуворлигига асосланган, адолатли ва демократик жамиятнинг фоят мухим белгиларидан ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш мухим ўрин тутади.

AZIZ NA

ДЕКАБР
ЯКШАНВА
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PELZIBANTI
SAYLOVU RUSI

Хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари



Халқаро қонунчилиқда хотин-қизлар ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари атрофлича акс этган. Масалан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг бир қатор ҳужжатларида (Мадрид-1983, Вена-1989, Москва-1991, Истанбул-1999, Маастрихт-2003, София-2004, Любляна-2005, Афина-2009) аъзо давлатларнинг эркаклар ва аёллар ўртасида тенглигни кўллаб-куватлаш, қарорлар қабул қилишининг барча дараҷаларида аёллар ролини ошириш, қонун чиқарувчи, суд ва ижро ҳокимиётининг барча органларида гендер мутаносиб лигига эришиш учун аниқ чора-ларни кўриш, умуман, бу тенглигни нафақат юридик жиҳатдан ифодалаш, балки амалда қарор топтириш борасидаги мажбуриятлари белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизи хотин-қизлардан иборат. Аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айнича, фарзанд тарбияси, оила барқарорлигидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Мамлакатимизда ҳам инсон хуқуқларига содиқлик ва ҳалқаро хукуқнинг устуворлиги нуқтаи назаридан, ҳам аёллар эъзозланадиган миллий қадриятларимизга мувофиқ жамиятда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш бўйича қатор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Авало, Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг хукуқли экани мустаҳкамлаб қўйилганини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон 1995 йил 6 майда Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (Нью-Йорк, 1979 йил 18 декабрь), 1997 йил 30 августда Хотин-қизларнинг сиёсий хукуқлари тўғрисидаги, Бир хилқиётматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириши тўғрисидаги конвенцияларга кўшилган.

марти), Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазиيқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларини (2019 йил 2 сентябрь) мисол келтириш мумкин.

Соҳада амалга оширилган институционал ўзгаришлардан яна бири Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилганидир. Шунинг-



Парламентга ва маҳаллий кенгашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манбаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш, давлат бюджети шаклланишида гендер тенглигига риоя этиш имконини беради.

Охириги икки йилда хотин-қизларни ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини оширишга оид, ҳалқаро андоузаларга мос 15 дан ортиқ меъёрий-хуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу ўринда Ўзбекистон Президентининг «Хотин-қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини (2018 йил 2 февраль), «Хотин-қизларнинг меҳнат хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятни кўллаб-куватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини (2019 йил 7



Ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратилганини эътироф этса, 81,5 фоизининг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда фаолият юритишига ҳеч бир монелик йўқ. Статистик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Турли корхоналарда ишлайтган раҳбар

Хотин-қизлар сайлов жаравенида сайловчи, депутатликка номзод, сайлов комиссиясининг аъзоси, кузатувчи, партиянинг ваколатли вакили, ишончли вакил сифатида эркаклар қатори тенг ва эркин, очиқ ва ошкора иштирок этишлари мумкин. Айтиш керакки, янги таркибда иш бошлаган парламент – Олий Мажлис Сенати аъзоларининг салкам 25 фоизи (хусусан, Сенат раиси), Қонунчилик палатасининг 48

Ўзбекистон Республикаси нинг юқорида зикр этилган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунида алоҳида бобда мустаҳкамланганидек, хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимиёт вакиллик органлари га сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга. Сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади. Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда ҳам гендер тенгликка риоя этилади. Сайлов кодексининг 70, 91-моддаларига асосан аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз физини ташкил этиши керак.

Агар қонунчиликни ўрганидиган бўлсак, 1952 йилги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда аёллар ҳар қандай сайловларда эркаклар билан тенг шароитларда, ҳеч қандай камситишилариз овоз бериш, сайланиш ҳуқуқларига эга экани эътироф этилган. ЕХХТнинг Копенгаген ҳужжатида барча одамларнинг қонун олдида тенглиги ва ҳеч қандай камситишилариз бир хил ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгалиги, ҳар қандай камситиши тақиқланиши белгилаб кўйилган.

Энг муҳим демократик мезонлардан бири бўлган сайлов қонунчилигига хотин-қизларнинг ҳақ ҳуқуқи қай даражада акс этган?

Энг муҳим демократик мезонлардан бири бўлган сайлов қонунчилигига хотин-қизларнинг ҳақ ҳуқуқи қай даражада акс этган?

“

Мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқларига содиқлик ва халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги нуқтаи назаридан, ҳам аёллар эъзозланадиган миллий қадриятларимизга мувофиқ жамиятда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш бўйича қатор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Аёллар кўрсаткичи 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 45,3 фоизга етди. Ҳозирги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида бир ярим мингга яқин аёллар раҳбарлик лавозимида меҳнат қўлмоқда. Деярли барча партияларда раҳбар ўринbosарларидан бири аёл киши, шунингдек, уларда аёллар қанотлари мавжуд. 400 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар аёллар муаммолари билан шуғулланмоқда.

Энг муҳим демократик мезонлардан бири бўлган сайлов қонунчилигига хотин-қизларнинг ҳақ ҳуқуқи қай даражада акс этган?

Шу ўринда халқаро амалиётга эътибор қаратсан. Парламентлараро Иттифоқнинг маълумотларига кўра, дунёнинг 190 та давлатидан 98 тасида аёллар учун квота институти мавжуд (https://data.ipu.org/compare?field=chamber%3A%3Afield_is_electoral_quota_women&structure=any_lower_chamber#pie). Номзодлар ўтрасида аёллар миқдорини ошириш бўйича норма белгилаш жаҳонда кўлланиладиган усул бўлиб, Албания, Босния ва Герцеговина, Македония, Греция,

ХОМИЛАДОРЛИГИ
ЁКИ БОЛАСИ
БОРЛИГИ САБАБЛИ
АЁЛЛАРНИ ИШГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШИН РАД
ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ
ИШ ҲАҶИНИ
КАМАЙТИРИШ
ТАҚИҚЛАНАДИ

✓ ХОМИЛАДОР АЁЛЛАР ВА
З ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛАСИ
БОР АЁЛЛАР билан тузилган
 меҳнат шартномасини иш
 берувчининг ташаббуси билан
 бекор қилишига йўл қўйилмайди.
 Корхонанинг бутунлай тутатилиш
 ҳоллари бундан мустасно.

Корхона тутатилгандаги
 меҳнат шартномаси
 уларни албатта ишга
 жойлаштириши шарти
 билан бекор қилинади.

✓ ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИ
ВА 14 ЁШГА ТЎЛМАГАН
БОЛАСИ (16 ЁШГА ТЎЛМАГАН
НОГИРОН БОЛАСИ) БОР АЁЛЛАРНИ
 уларнинг розилигисиз тунги ишларга,
 иш вақтидан ташкари ишларга,
 дам олиш кунларидаги ишларга жалб
 қилишига вахзат сафарига юборишга
 йўл қўйилмайди.

Уларни тунги ишларга жалб
 қилишига тиббий хунос бўлган
 тақдирдагина йўл қўйилади.



✓ ТИББИЙ ХУНОСАГА МУВОФИҚ
 хомиладор аёлларнинг ишлаб
 чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш
 нормалари камайтириллади еки улар аввали
 ишларидаги ўртака ойлик иш ҳақи сақланган
 ҳолда енгилроқ ёхуд нокулай ишлаб
 чиқариши омилларининг таъсиридан
 холда бўлган ишга ўтказилади.

✓ Аёлларга туққунга қадар **70 КУН**
 ва туққундан кейин **56 КУН**
 хомиладорлик ва туен таътиллари
 бериллиб, нафақа тўланади.

Черногория, Польша, Сан-Марино, Сербия, Словения, Арменистон, Қирғизистон, Испания қонунчилигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Номзод аёллар учун ихтиёрий ёки мажбурий квоталар Франция, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британияда қайд қилинган. Грузия ва Руминиядаги сайловларда аёллар иштирокини кўллаб-куватлаш мақсадида сиёсий партиялар учун молиявий рағбатлар, Албания ва Францияда гендер тенглик

МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА
 АЁЛЛАРГА БЕРИЛГАН АЙРИМ

ИМТИЁЗЛАР



✓ 2 ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАР аввалги
 ишини бажариши мүмкин бўлмаганида, боласи 2 ёшга
 тўлугнча енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш
 омилларининг таъсиридан хола бўлган ишга ўтказилади ва
 аввалги ишидаги ўртака ойлик иш ҳақи сақланади.



✓ 2 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга
 болалин овқатлантириш учун ҳар 3 соатда
 бир марта ҳар бирни 30 минутдан кам
 бўлмаган қўшимча танаффуслар берилади.

2 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ боласи
бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати
камида 1 соат қилиб белgilanlandi.

Болалин овқатлантириш учун бериладиган
 танаффуслар иш вақтига киритилади ва
 ўртака ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича
 ҳақ, тўланади.



✓ Бюджетдан молиялаштириладиган
 муассасалар ва ташкилотларда
 ишлайтган 3 ёшга тўлмаган болалари бор
 аёлларга 35 соатдан ошмайдиган иш вақти
 белgilanlandi.

Бунда аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш
 муддати учун белgilanlangan миқдорда тўланади.



✓ Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига
 бола 16 ёшга тўлугнча иш ҳақи тўланган ҳолда ойига
 қўшимча 1 дам олиш куни берилади.

advice.uз

@huquqiyaxborot

бўйича мажбуриятларини тў-
 лиқ бажармаган сиёсий партия-
 ларга жарималар ва давлат молиялаштирувани қисқартириш
 кўзда тутилган. Сан-Маринода парламент учун курашда эр-
 как ва аёл тенг овозига эга бўлиб
 қолса, аёл киши депутатлик ўр-
 нини эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, парламентга ва маҳаллий кен-
 гашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижод-
 корлиги жараённада хотин-қиз-
 ларнинг манфаатлари ва фикр-

ларини ҳисобга олиш, давлат бюджети шаклланишида ген-
 дер тенглигига риоя этиш им-
 конини беради. Хотин-қизлар-
 нинг депутат бўлиб сайланиш-
 лари оилани мустаҳкамлаш,
 оналик ва болаликни муҳофаза
 қилиш, барча жабхада аёллар-
 нинг иштирокини кенгайти-
 риш бўйича қонун ижодкорли-
 ги ва парламент назоратини кучайтиришга хизмат қиласди.

Мухлиса ТАДЖИЕВА,
 Ўзбекистон Конституциявий суди
 масъул ходими



МУХЛИСА ТАДЖИЕВА

Ўзбекистон Конституциявий суди

масъул ходими



Буюк стратег

Ватанимиз тарихида ҳуқуқий давлат ҳақидаги қарашларнинг юзага келиши ва ривожланиши, унинг ҳуқуқий манбаларига доир муайян билим ва тушунчаларга эга бўлиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир. Миллий давлат-чилигимизнинг ҳуқуқий асослари, хусусан, соҳибқирон Амир Темур давридаги давлат ва ҳуқуққа оид адолатли тамойилларни татбиқ ва тарғиб этиш, шубҳа-сиз, жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданият юксалишига хизмат қилади.

Сүнгги йилларда мамлакатимизда ватанпарварлик тарбияси ва тарбиботига муносабат тубдан ўзгарди. Ватанпарварликни тарғиб қилишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилди, бу борада техник ва технологик воситаларнинг имкониятларидан тұлақонлы фойдаланиш тизими йўлга кўйилди. Айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги ишларга фуқаролар, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тұғрисида»ғи қарорининг қабул қилиниши мазкур йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ҳарбий санъат тарихи Амир Темурни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири деб тан олади. Буюк саркарданинг ғалабалари негизида нима туради? Бу савол кўплаб тарихчилар, ҳарбий соҳа мутахассислари учун тадқиқот мавзуси бўлиб келмоқда. Умумий тарзда айтиш мумкинки, бунга унинг ҳамиша адолатга таянгани, тўғма стратеглиги, руҳий жиҳатдан кучли шахслиги, ҳарбий тактика ва давлат бошқаруви борасидаги юксак салоҳияти, қатъият ва шиддат билан, мукаммал режа ва маслаҳат асосида иш тутиши кабилар асос бўлган.

1996 йил апрель ойида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишиланган тадбирлар доирасида Лахўр шаҳрида ўтказилган конференцияда покистонлик таниқли олим Ҳаниф Рамей давлат тузиш, ҳарбий тарбия бериш тартибини Амир Темурдан ўрганиш лозимлигини таъкидлаб, унинг жаҳонгирилги вайронкорликка эмас, бунёдкорликка қаратилганига урғу беради. Олим, шунингдек, соҳибқироннинг ҳарбий тарбияга оид қарашлари негизида ҳам шу foя музассам эканига эътибор қаратади. Дарҳақиқат, саркарда ҳарбий тарбияни инсонпарварлик тарбияси билан уйғунлаштиради.

Бу нималарда намоён бўлади?

Соҳибқироннинг ҳарбий истеъоди ва ҳарбий тарбияга оид қарашлари икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва машҳур саркарда тарзида намоён бўлди.

Тарихий манбалардан маълумки, соҳибқирон ўз замонасининг тенгсиз найзабози, қиличбози, курашчиси бўлган. Буюк жаҳонгир бунга талабчан устозлар сабоғи, тинимсиз машқилар ва албатта тўғма истеъоди сабаб эришган. Болалигидан зийрак эпчил Темурбек моҳир чавандоз ва мерган камончи сифатида ҳам танилади. Кейинчалик буюк саркарда ва улкан салтанат хукмдори ўзининг жисмоний ва ҳарбий тарбияга оид қарашларида ёшларни кучли, мард ва жасур кишиларга зўр ҳурмат-эътибор руҳида тарбиялаш, ватанпарвар, садоқатли ҳарбийларнинг ҳурматини жойига кўйиш зарурлигини таъкидлаган. Буни ёшларни шундай фазилатларга эга қилиб тарбиялашда муҳим деб ҳисоблаган. У қўшинга





қабул қилинаётган аскарларнинг маънавий сифатларига ҳам эътибор беришга чақиради ва «очкӯз, лоқайд, зиқна, ёвуз ва нафси ёмон кишиларни хизматга чақирмасликни» уқтиради.

Соҳибқирон кўшиндаги интизом ва аскарларнинг жисмоний ҳолатини муҳим деб ҳисоблайди. Интизомсиз кўшиннинг ғалабасига ишониб бўлмаслиги, тартиб-интизом, жанговар шайликтининг аҳамияти нечоғли муҳимлигини у тўғри англаган. Амир Темур отлиқ кўшин ва чопқир отларга алоҳида эътибор берган, чунки ўша давр ҳарбий кўшинларида отлиқ аскарлар асосий куч ҳисобланиб, аскарларнинг от устида туриб найзабозлий, қиличбозлик қилиши, ёй отиши, душман кучига чап бериши ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Лашкарни мунтазам тоза қонли жангчи отлар билан таъминлаб туришга кучли эътибор берилган. Бунинг учун соҳибқирон давлати девонида «си-поҳсолар», «мироҳур» каби лавозимлар жорий этилган бўлиб, улар энг сара синчи-сайисларни жамлаган. Зотдор тойлар келтирилиб, улардан жанговар отлар тайёрланган.

Шунингдек, пиёда аскарларни чиниқтириш учун муттасил жисмоний машқлар ўтказиш, қурол ва куролсиз жанг сирларини ўргатиш, якка-кураш усуллари – кўл ва оёқ кучи билан йиқитиши маҳорати, жангчиларнинг чидамлилиги ва чаққонлигини оширишга эътибор беришни уқтирган.

Амир Темур даврида кураш, кўпкари, от пойгаси, найза ва камондан отиш, ов, човгон ўйини сингари оммавий спорт машгулотлари нафақат ҳарбийлар, оддий ҳалқ орасида ҳам кенг тарқалган эди.

Соҳибқирон ёшларни эртанги кун ватан ҳимоячилари, салтанат таянчи сифатида кўрар экан, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват, ҳарбий илмлар, қурол-аслаҳалардан фойдаланища моҳир этиб тарбиялаш зарур деб ҳисоблайди. Ғалабалар шарафига ўтказилган тадбирлар, турили-туман тантанали маросим ва тўйлар муносабати билан хилма-хил мусобақалар уюштиришга жисмоний тарбияни оммалаштириш воситаси сифатида қараб, унинг тарбиявий аҳамиятини



юқори баҳолаган. Бундай маросим ва мусобақалар том маънода оммавийлик касб этиши учун уларда барча аҳоли ва кўшин табақалари вакиларининг иштироки талаб қилинган. Мусобақағолибларига мукофотлар берилган, истеъододли, шиҷоатли йигитлар сараланган. Жисмоний тайёргарликка оммавий қизиқиш уйғотишнинг таъсирчан усули самарали жорий қилинган.

Темур армияни барпо этишда ички тузилиши томонидан Чингизхон тузган кўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлиши баробарида, ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб туришига аҳамият беради. Амир Темур армиясининг тузилиши қадимий давлатчилигимиз анъаналарининг давоми бўлиб, асрий тажрибаларга таянган ҳолда ташкил этилган. Кўшин тузилишида у яратган бир қанча самарали тажриба ва низомлар улкан мамлакатни барпо этиш ишларига яқиндан ёрдамлашди.

Садоқатни юксак баҳолаган соҳибқирон ўз «Тузуклари»да шундай дейди: «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унугиби, хизмат пайтида ўз соҳибидан юз ўғириб, ҳузуримга келган бўлса, ундей одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга ҳар турули хабар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган

туз ҳақини унугтилар, вафодорлик ва ҳақларини бир чеккага йигиштириб қўйиб, ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга «булар ўз хожасига вафо қилмагач, менга қиласмиди?» деб ўйладим». Шу билан бирга, ғаним сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида унга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундей одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатди. Қошига паноҳ истаб келганда, уни қадрлади.

Амир Темур авлодларга васият тариқасида сипоҳ ҳақида, унинг тизими, тартиби, маоши, кийим-кечаги-ю қурол-яроғи-гача бўлган масалаларни батағфисил баён қилган. Унинг сипоҳ ҳақидағи таълимотлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Шу боис уни ўрганиш, билиш ҳозирги замон армиясини бошқариша мұхим аҳамиятга эгадир.

Буюк саркарданинг жисмоний ва ҳарбий тарбияга оид қарашлари бугунги кунда ҳам ёшларимизни ватанпарвар қилиб тарбиялашда, айниқса, ҳарбий соҳа вакилларининг ўз хизматларига сидқидилдан ёндашиши, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди.

Мавзу юзасидан айрим фикр-мулоҳазаларни таклиф сифатида билдиришни лозим топдик:

- Ўзбекистон ҳудудида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар қасамёдига «Темур тузуклари» ғояларини сингдириш – бу ватан ҳимоясига чоғланган ёшларимиз қалбида буюк ажоддлар хотираси ва даҳосига эҳтиром түйғуларини мустаҳкамлайди.

- Ҳарбий таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари учун «Амир Темур» номли давлат стипендиясини таъсис этиш – бу истеъододли ёшларимизни янада рағбатлантиришга асос бўлади.

- Муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан «навкар» тарихий атамасини қўллаш ва мумалага киритиш лозим. Навкар – хизматга янги келган маъносини билдириса, аскар – ўз ишининг устаси деган маънони билдиради. Шу сабабли, муддатли ҳарбий хизматчиларни «навкар» деб номлаш, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларни эса «аскар» деб аташ мақсадга мувофиқ.

Муқаддас АҲМЕДОВА,

Ўзбекистон Республикаси Милллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти доценти, юридик фанлар номзоди



Таракқиёт тушови

Коррупцияга қарши кураш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки бу иллат ўта салбий оқибатларга олиб келади. Ҳусусан, иқтисодий ривожланиш секинлашиши, кадрлар сифатининг пасайиши ва оқибатда барча соҳаларнинг оқсашига, ҳукуматга ишонч йўқолиши ва ижтимоий-сиёсий беқарорликка сабаб бўлади.

 озир баъзи давлатларда коррупцияга деярли барҳам берилган бўлса, қаердадир бу иллат тарқалишда давом этмоқда.

Ўзбекистон 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига, 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш

ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябр) кўшилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гурӯҳи тўғрисидаги битим (Москва, 2011 йил 16

июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинган.

Бугунги кунда мамлакатимизда турили жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Коррупция, **бираинчидан**, амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Коррупция доми-

га илингтан амалдорлар бойлик орттириш учун ўзининг ва уруғ-аймоқларининг манфаатини давлат манфаатидан устун кўяди.

Иккинчидан, жиноятчиликнинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келади. Натижада давлат аста-секин энг оддий хукуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлади.

Учинчидан, жиноятчилик жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Фуқаролар онгига ҳётда фаровон турмушга эришининг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ деган файриахлоқий қараш шакланишига олиб келади.

Тўрттинчидан, ҳокимият органларининг жиноята аралашиб қолиши ривожланётган жамият учун энг жиддий хатарлардан биридир. Жиноят тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши фуқароларда ҳимоясизлик хиссини кучайтиради.

Давлатни обрўсизлантиради. Мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончизлик ортиб боради.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан кутулиб қолиш ва жиноят сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар нарсага тайёр туришини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан кўркиб ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни бекарорлаштиришга, омавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай ту-

радилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни қўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан кулайи йўқ. Бундай одамларнинг «Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса бўлган» қабилидаги маслаги худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яқдол кўрнишидир.

Олтинчидан, жиноят усуллар билан бойлик орттирган кимсаларнинг хукуқ ҳимоячиси ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашли сифатида сиёсатга кириб олишига ҳарарат қилаётганидан далолат берувчи мисоллар оз эмас.

Еттингчидан, коррупцияга ботган давлатга хорижий сармоялорлар инвестиция киритмайди. Бу эса олдига ривожланиш, жаҳондаги иқтисодий, сиёсий жараёнларга интеграциялашиш мақсадини қўйган, аммо хорижий сармояларга эҳтиёжманд мамлакат учун оғир йўқотишидир. Бундай мамлакат халқаро хуфия ва жиноят тузилмалар тобора кўпроқ кизиқадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади.

Шу боис Ўзбекистонда «Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. У 6 боб, 34 та моддадан иборат.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида коррупцияга қўйидагича таъриф берилган:

«Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равиша фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равиша тақдим этиш».

Маълумки, оддий фуқаролардан кўра давлат органларининг ходимлари коррупцион ҳолатларга кўпроқ дуч келади. Шу боис қонуннинг 26-моддасида «Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўтшаш хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд хукуқни муҳофаза

қилувчи органларни хабардор этиши шарт»лиги белгиланган. Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажагини ўйладиган ҳар бир вижонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоги даркор. Коррупция йўлига ўз вақтида тўсиқ кўйилмаса, бу иллат қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим.

Дилшод АШУРОВ,
Самарқанд шаҳар 8-давлат нотариал идораси нотариуси



Коррупцияни енгишда таълимнинг аҳамияти

Халқаро тажрибадан маълумки, ривожланган мамлакатларнинг қонунларида давлат хизматчилари учун стандарт тақиқ ва чекловлар мавжуд. Ушбу чоралар қатъий амалга оширилса, самара бериши исботланган. Куйида коррупцияга қарши курашда таълим тизимининг роли ва аҳамияти, чора ва услубларига бир неча давлат мисолида тұхтадамыз.



АВСТРИЯ. Мамлакатда коррупцияға қарши кураш соҳасида уч ҳафталық малака ошириш курси мавжуд бўлиб, Австрия ички ишлар вазирлигининг коррупцияға қарши кураш бўлими томонидан ташкил этилади. Талаб ва самардорлик юқорилиги туфайли бундай курслар йиғига икки марта ўтказилади.

Курсада полицияда ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишловчи, коррупция хавфи остида бўлган (масалан, муҳожирлар ва бошпана бериш учун номзодлар билан ишлайдиган ва х.) ходимлар иштирок этади. Тингловчилар Коррупцияға қарши кураш федерал бюроси (КҚҚ) томо-

нидан номзодлар юборган аризалар асосида танлаб олинади.

Курсада тингловчиларга коррупция мавзуси ва унга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги асосий маълумотлар етказилади. Аввало, бу ҳодисанинг манбалари, муаммолари ва хавфи (биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида), шунингдек, ривожланган давлатларнинг коррупцияға қарши кураш тажрибаси ўрганилади. Ўқитувчи сифатида одатда Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги вакиллари, олимлар, психологлар, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш соҳасидағи мутахассислар таклиф этилади.

Синфлар қўйидаги асосий блокларга бўлинади:

- КҚҚ фаолияти билан танишиш (вазифаси, мақсади, иш йўналишлари, меъёрий-ҳуқуқий база ва б.);
- Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг кўрсатмалари, жамоат хавфсизлиги полицияси тўғрисидаги қонун, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш ва интизомий ҳуқуқ соҳасидаги коррупцион ишларни тергов қилиш нинг ҳуқуқий асослари;
- профессионал этика, муюмала ва низоларни ҳал қилиш асослари;
- коррупцияға қарши курашиш бўйича ҳалқаро тажриба ва воситаларни ўрганиш.

Австрия коррупцияға қарши кураш федерал бюроси ходимлари 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган болалар учун коррупцияға қарши тренинг лойиҳасини ишлаб чиқди. Бошланғич лойиҳа талабалар ва эксперtlар – психологлар, социологлар, адвокатлар, криминологлар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан тўлдирилди. Лойиҳа талабаларни коррупцияға қарши кураш ва иқтисодий жиноят тушунчалари, мазкур курашнинг ҳуқуқий асослари билан таниширишга мўлжалланган.

Назарий қисмда «коррупция» атамасининг маъноси, унинг шакллари, сабаб ва оқибатлари, шунингдек, коррупцияға қарши курашга ихтинослашган институтларни танишириш кўзда тутилган. Тренинг қирқ беш дақиқалик саккизта дарсга бўлинган ва улар ўқувчи ва талабаларнинг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тренингда тақдимотлар, муҳокамалар, сўровлар ўтказилади, коррупция ҳақидаги фильм кўрсатилади. Дастурга интерактив вазифалар ҳам киритилган. «Коррупцион барометр» машқлари учун мактаб ўқувчиларидан бу вазиятни ортиб бораётган ҳолатларда – коррупция мавжуд бўлмаган ва ижтимоий хавфли шаклга эга бўлган ҳолда тартибга солиш талаб этилади. Кейин иштирокчилар ўз танловини тушунтиришлари керак бўлади ва таклиф этилган ҳолатлар батафсил муҳокама қилинади.

Тренингнинг бошқа қисмida ўқувчиларга ролли ўйинлар таклиф этилади, роли тушунтирилади. Асосий мавзулардан бири сифатида мактабдаги совғалар масаласига тўхталиб ўтилади. Тренинг сўнгидан талабалар тренингнинг назарий қисмida ўрганилган маълумотларни ўз ичиға олган сўровномаларни олади. Иштирокчилар



коррупцияни аниқлаб олишлари, унинг сабаб ва оқибатларини, шу жумладан, ҳуқуқий масалаларни тушунтиришлари ва коррупцияга қарши кураш бюросининг фаолияти ҳақида гапиришлари керак бўлади.

Ушбу тренингнинг мақсади юқори синф ўқувчиларининг фуқаролик жавобгарлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва жамоат бурчларини тушунтиришдан иборат. 10 ёшдан 14 ёшгacha бўлган болалар учун ҳам тренинг ташкил этиш ревалаштирилган.



БЮОК БРИТАНИЯ. Мамлакатда коррупцияга қарши таълим дастурлари идоравий даражада амалга оширилмоқда. Мисолуучун, коррупцияга қарши маҳсус семинарлар Ташки ишлар вазирлигининг иктисодий гурухлар ва Буюк Британия элчихоналари ҳарбий атташеларини, шунингдек, Савдо ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа идораларнинг хорижий вакилларини тайёрлаш курслари дастурига киритилган. Мазкур семинарлarda бўлажак ходимларга инглиз бизнеси иштироқидаги коррупция ҳолатлари ҳақида зудлик билан хабар бериш мажбурияти тушунтирилди. Уларга миллий ва трансмиллий компанияларнинг ходимлари таклиф этилади.

Ҳар йили Ташки ишлар вазирлиги элчихоналарда коррупцияга қарши кураш бўйича семинарлар уюштиради (шу каби тадбирлар сўнгги йилларда Хитой, Россия, Аргентина, Тайланд, Сингапур, Мексика, Испания ва Бирлашган араб амирликларининг дипломатик миссияларида бўлиб ўтди). Дипломатик лавозимларга тайинланган ходимлар учун икки кунлик интенсив курслар ташкил этилади, улар доирасида коррупцияга қарши кураш соҳасидаги мутахассислар ТИВ ходимлари билан шахсий интервьюлар ўтказади ва коррупцияга қарши кураш бўйича ёзма ишларни текширади.

Халқаро тараққиёт вазирлиги ва Буюк Британия савдо ва инвестициялар агентлигининг кўшима лойиҳаси доирасида коррупция фактларини аниқлаш бўйича маҳсус дарслик чоп этилди, у мажбурий равишида хорижий мамлакатлардаги савдо ваколатхоналари ва элчихоналарга юборилиди.

Мамлакатда Катта миқдордаги фирибгарликка қарши кураш бошқармаси (SFO, Serious Fraud Office) коррупцияга қарши курашнинг бош органи ҳисобланниб, коррупцион хатарларга қарши профилактик сұхbatлар олиб боради ва таълим профилига эгадир.

Касаба уюшмаларида коррупцияга қарши таълимга алоҳида ёътибор қаратилмоқда. Касаба уюшмалари раҳбарияти ва аъзолари учун мунтазам равишида маҳсус тренинглар ўтказилади, ахборот материаллари чоп этилади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсатида давлат таълимининг яна бир хусусияти аҳолининг ёътиборини ички коррупция муаммосидан چалғитишидир. Давлат коррупцияга қарши курашишга оид таълим дастурларининг ташки йўналишини сўзсиз қўллаб-куватлайди. «Британия коррупцияга қарши кураш форуми», «Трэнспренси интернэшнл», «Қашшоқликка қарши муҳандислар» ва бошқа нодавлат ташкилотлар Лондоннинг коррупцияни глобал бартараф этиши ғоясининг энг фаол намояндлари ҳисобланади. Британия нодавлат ташкилотларининг аксарияти давлат органлари, бизнес ва хорижий давлатларнинг фуқаролик жамияти институтлари учун коррупцияга қарши таълим дастурларини беғараз амалга оширилмоқда.



ЛИТВА. Литванинг баъзиуниверситет ва институтларида коррупцияга қарши маҳорат ва техникани ўқитишини ўз ичига олган дастурлар мавжуд. Вилнюс университетининг юридик факултети, Каунас технология университети, Литва ҳарбий академияси шулар жумласидандир. Улар одатда бир семестрга мўлжалланади ва 40 дан 160 академик соаттагача вақтни ўз ичига олади. Давлат хизматчилари учун шундай биринчи ўқув курси 1994 йили Каунас технология университети томонидан ишлаб чиқилган.



КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда Фуқаролик ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши кураш комиссияси (Civil Rights and Anti-Corruption Commission) 2008 йил 28 февралда ташкил этилган. 2002 дан 2008 йилгача бу орган Коррупцияга қарши кураш комиссияси деб номланган.

Комиссиянинг фаолиятида жамиятда ва давлат институтларида коррупцияни рад этиш мүхитини яратышга қаратылған тарғибот ишләри мұхим ўрин тутади. Комиссия таркибіда коррупцияға қарши кураш бүйічә таълим дастурларини ишлаб чиқыш ва амалға ошириш билан шүгүлланадиган бўлим мавжуд.

2003 йилдан бошлаб комиссия шафелигіда мамлакатда коррупцияға қарши кураш бүйічә маҳсус курслар йўлга қўйилди.

2006 йил март ойида комиссия коррупцияға қарши кураш бүйічә онлайн курсларни очди ва шу тариқа ақолини масофадан ўқитиш орқали янада кенгроқ қамраб олиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, бошлангич ва ўрта мактаб дарслкларида «коррупция» тушунчаси, унинг салбий оқибатлари, коррупцияға қарши чоралар батафсил ёритилмоқда. Бир қатор мактабларда

ушбу масала бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этилди.

Комиссия мактаб ўқитувчилари учун услубий құлланмалар тайёрлайди, уларга доимий рашида маслаҳат берилади.

Мамлакат мактабларидаги коррупция мавзусида иншолар танлови ўтказилмоқда.



АҚШ. Американинг бошлангич ва ўрта мактабларидаги ижтимоий этика бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

АҚШнинг деярли барча федерал органларида мунтазам рационалда (одатда йилига бир марта) коррупцияға қарши кураш бўйича тренинглар ўтказилади. Кўпгина идораларда сунистеъмолчиликни аниқлаш учун ички назорат хизмати (Internal Revenue Service) каби маҳсус бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, уларга ёрдам ёки маслаҳат учун мурожаат қилинади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, айтиш мумкинни, коррупцияға қарши курашиш жараённанда ақолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда қўйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, шахснинг ҳуқуқий хулқ-автори ҳуқуқий онг билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳуқуқка бўлган муносабатига қараб шаклланади.

Иккинчидан, шахс ҳуқуқий онгининг ривожланиши суд-ҳуқуқ тизимидағи ислоҳотларга таъсир этади. Чунки ижтимоий муносабатларни тартибга солишининг зарурлигини, ундан оқилюна фойдаланиш лозимлигини англаш, амалдаги қонун ҳужжатларининг ижтимоий муносабатларга мос келиш-кељмаслигини аниқлаш ва уларга баҳо бера олиш, ҳуқуқий қоидаларни ўрнатиш ва татбиқ этиш ҳуқуқий онг дарајаси билан боғлиқ.

Учинчидан, ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ҳуқуқий таълим ва саводхонлик, ҳуқуқий билим, кўнинма ва малаканинг даражаси билан белгиланади. Шахс ҳуқуқий таълим орқали ҳуқуқ асосларини, унинг асосий нормаларини билиб олади. Шундагина ўзининг ҳаракатларини баҳолаш, бирорларнинг ҳуқуққа муносабати ҳақида фикр билдириш, ҳуқуқий билимларни ҳаётга татбиқ этиш қўнимасини ҳосил қилиш, қонунга риоя этиш ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизликни тарбиялашга эришилади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,

ТДІОУ Жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси профессори



Меҳнат шартномасини бекор қилиш бунда иш берувчининг манфаатлари ҳам ҳисобга олинадими?



2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида 2019 йилнинг 20 декабрига қадар меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирini ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Бунда ходим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ифодалайдиган нормалар назарда тутилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Амалдаги Мәжнат кодексида иш берувчининг манфаатларини чеклайдиган, иш берувчини иложисиз ҳолатта солиб қўядиган айрим нормалар мавжуд. Шулардан бири ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган мәжнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслигидир (Мәжнат кодексининг 237-моддаси).

Ушбу нормага кўра, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган мәжнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда мәжнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

Мәжнат шартномаси муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган аёлларни ишга жойлаштириши шарт.

Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бирок бу муҳлат муддатли мәжнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Бу норма бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб иш берувчиларга тушов бўлмоқда. Амалиётда айрим ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар томонидан қонунчилик томонидан берилган ушбу кафолатларни суистеъмол қилиш, масалан, мәжнат интизомига онгли равища риоя қиласлик, иш берувчининг қонуний талабларини ўз вақтида ва аниқ бажармаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Ходимнинг нолойиқлиги ва ишни уддалай олмаетганини исботловчи аниқ фактлар мавжуд бўлса ҳам, баъзан иш берувчилар малакаси ва мәжнат унумдорлиги паст бўлган бундай тоифа ходимлар билан ишлашга мажбур бўлишмоқда. Бу эса ташкилотга иқтисодий жиҳатдан ҳам қимматга тушмоқда.

БУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА ИШ БЕРУВЧИ НИМА ҚИЛА ОЛАДИ?

Қуйидаги интизомий жазолардан биринигина қўллай олиши мумкин:

- ✓ ҳайфсан;
- ✓ ўртacha ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;
- ✓ ички мәжнат тартиби қоидаларида назарда тутилган ҳолатдагина ўртacha ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Афсуски, иш берувчи ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан ўз ташаббусига кўра мәжнат шартномасини бекор қила олмайди. Бундай тоифа ходимлар томонидан мәжнат интизомининг мунтазам равища ёки бир марта қўпол равища бузилиши ҳам мәжнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Иш берувчи юқорида қайд этилган интизомий жазолардан бирини қўллаш билан кифояланади, холос.





Иш берувчи ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилди ҳам дейлик. Оқибати нима бўлади?

Биринчидан, Жиноят кодексининг 148-моддаси (Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш) 2-қисмига кўра, аёлнинг ҳомиладорлиги ёки уч ёшга тўлмаган фарзандини парвариш қилаётганини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равища бош тортиш ёки ишдан бўшатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Дикъат!

Жиноят кодексининг 148-моддаси 2-қисми маъмурӣ преюдицияга эга эмас. Яъни, айборд аввал шундай қилмиши учун Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида (Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) кўрсатилган маъмурӣ жазога тортилганидан сўнг бир йил давомида такрор равища худди шу қилмишни содир этган бўлиши шарт эмас.



Бу агар иш берувчи аёлнинг ҳомиладорлиги ва уч ёшга тўлмаган боласи борлигини била туриб меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан ғайриқонуний равища бекор қилса, тўғридан-тўғри жиноят жавобгарликка тортилишини англатади.

Иккинчидан, меҳнат шартномаси қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда бекор қилинган деб топилади, суд меҳнат шартномаси бекор қилинганини ноқонуний деб топиб, ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради.

Учинчидан, ходимни ишга тиклашда унга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти иш берувчига юкланади.

Ходимга етказилган зарарни қоплаш қўйидагилардан иборат:

- ❖ мажбурий прогул вақти учун сўzsиз ҳақ тўлаш (Меҳнат кодексининг 275-моддаси);
- ❖ меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни (мутахассислар маслаҳати, йўлкира ва бошқаларни) қоплаш;
- ❖ маънавий зарарни қоплаш. Маънавий зарар миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатларига баҳо берган ҳолда аниқланиб, у ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, ходимнинг илтимосига кўра суд уни ишга тиклаш ўрнига (мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи, маънавий зарар, меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлардан ташқари) уч ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган қўшимча компенсация

ундириб бериши мумкин (Меҳнат кодексининг 112-моддаси 2-қисми).

Амалиётда айрим иш берувчилар ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни қистов билан ёки турли таҳдидлар воситасида ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишга мажбурашга

ҳаракат қиласидилар.

Агар ходим «мен аризани иш берувчининг қистови натижасида ёзғанман» деган даъво билан судга мурожаат қилган тақдирда, меҳнат шартномаси бекор қилинишининг асосли эканини исботлаб бериш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томони-

дан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг кўлланилиши ҳақида»ги қарорининг 15-бандида судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширишлари лозимлиги таъкидланган.

Қандай ҳолатларда ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин?

- Тарафларнинг келишувига кўра (Меҳнат кодексининг 97-моддаси 1-банди).

Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Асосий шарт иш берувчи ва ходимнинг ўзаро келишувидир. Томонлардан бири рози бўлмаган тақдирда ҳам, меҳнат шартномасини ушбу асос билан бекор қилиб бўлмайди.


- Ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш (Меҳнат кодексининг 99-моддаси).

• Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганилиги сабабли бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда ходимга ўртacha ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (Меҳнат кодексининг 89-моддаси).

• Муддатли меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан бекор қилиш (Меҳнат кодексининг 105-моддаси).

Дикъат!

Меҳнат кодексининг 237-моддаси 2-қисми талабига кўра, муддати тугагани сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга жойлаштириши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу мухлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.





Коғамдық жағдайлардың табиғатын, салынышын, мүнисабаттың түрлерін, мәндердің толығырын көрсетті.

Соғындаудың мәндерін, мүнисабаттың түрлерін, мәндердің толығырын көрсетті.


- Мәхнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши (Мәхнат кодексининг 106-моддаси). Масалан, ходимнинг вафоти муносабати билан, ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга киргандан тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда ва бошқа ҳолатлар.

- Корхонанинг тугатилгани муносабати билан мәхнат шартномасини бекор қилиш (Мәхнат кодексининг 100-моддаси 2-қисм 1-банди).

- Мәхнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра (Мәхнат кодексининг 97-моддаси 5-банди).

- Мәхнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт мәхнат шартномасида бу шартнома иш берувчи томонидан корхона раҳбари, унинг ўринbosарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилганда, шунингдек қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин.

Масалан!



Ходимни бош бухгалтер лавозимига ишга олиш жаракёнида мәхнат шартномасига бош бухгалтер корхонадаги молиявий интизомни таъминлай олмаса иш берувчи мәхнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эгалиги ҳақида банд киритилган бўлса, бош бухгалтер билан мәхнат шартномаси унинг ҳомиладорлиги ёки уч ёшга тўлмаган боласи борлигига қарамасдан бекор қилиниши мумкин.

- Янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишини рад этганилиги муносабати билан

(Мәхнат кодексининг 97-моддаси 6-банди).

Хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласига турлича ёндашувларни кўриш мумкин.

МАСАЛАН:



Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 261-моддасида ҳам иш берувчининг ташаббуси билан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди деган норма мавжуд. Лекин истиснолар ҳам бор. Яъни Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 336-моддасида педагог ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асослари келтирилган. Унга кўра агар педагог ходим қўл остидаги ўқувчи ёки тарбияланувчига нисбатан бир марта жисмоний ёки руҳий зўрлик ўтказса, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор бўлади. Ушбу вазиятда педагог ходимнинг ҳомиладор экани ёки уч ёшга тўлмаган боласи борлиги аҳамиятга эга эмас.



Бу борада Грузия Меҳнат кодекси нисбатан либерал ва эластик ҳисобланади. Меҳнат шартномаси тузиш индивидуал характерга эга. Грузия Меҳнат кодексининг IX бобида меҳнат муносабатларини ўзгаришиш, тўхтатиб туриш ва бекор қилиш асослари келтириб ўтилган бўлиб, унда алоҳида тоифа ходимлар, шу жумладан, ҳомиладор ёки уч ёшгача боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда алоҳида кафолатлар назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида муҳокамага қўйилган Меҳнат кодекси лойиҳасининг 441-моддасида фақаттина ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Яъни лойиҳага кўра, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилади.

Бизнингча, ўз меҳнат вазифаларини мунтазам ёки бир марта кўпол равишда бузган ҳолатларда иш берувчига ҳомиладор аёллар билан ҳам, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиш хукукини бериш лозим.

Шунингдек, агар ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар малакаси етарли


бўлмагани ёхуд соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолганда ҳам иш берувчига ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш хукукини бериш зарур. Албатта, бунда ходимнинг нолойиқлиги унинг бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уddyалай олмаётганини гувоҳлантирувчи аниқ фактлар, яъни текширув актлари, бевосита раҳбарлик қилувчининг билдириш хати, ҳисоботлар, атtestация ҳужжатлари ва ишнинг сифати пастлиги, яроқсиз маҳсулот чиқараётгани, иш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш нормасини бажармаётгани ва ҳоказоларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан, шунингдек, соғлиғи ҳолатига кўра нолойиқлиги тиббий хулоса билан тасдиқланган бўлиши лозим.

**Муҳаммадамин КАРИМЖНОВ,
ТДЮО ўқитувчиси**



Инсон камолотининг бош бўғини

Жамиятда ҳуқуқий маданият даражасининг юқорилиги ижтимоий барқарорлик, халқона қилиб айтганда, тинчлик-осойишталика хизмат қилади. Шу маънода ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасидаги комплекс чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни ҳам қамраб олади.



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотинч оиласлар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси долзарб масалалар қаторида назарда тутилган бўлиб, бу устувор вазифаларнинг тўлақонли ижроси ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор услубларни жорий этишини, ҳукуқбузарликларни барваqt аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига таянишини тақозо қиласди. Содир этилаётган ҳукуқбузарликларнинг сабаблари, бунга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш эса уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аксар жиноятларнинг илдизи оила билан боғлиқ, бошқача айтганда, шахсда ғайрииқтимоий ҳулқ-атворнинг шаклланиши, қолаверса, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя этишига тўқинлик қиласдиган омиллар оиласдаги носоғлом ижтимоий-руҳий мұхит таъсирида юзага келади. Бу ачниқ ҳақиқатни статистика ҳам тасдиқлайди: бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликдан биттаси, қасддан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ қонунбузарликларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тұхматнинг саккизтадан биттаси айнан оиласда – маиший мұхитда содир этилмоқда.

Ҳолбуки, оила энг муқаддас даргоҳ сифатида шахс маънан камолга етадиган, ахлоқий сифатлари шаклланадиган маскан. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Оиласларда но-

соғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда» деган куюнчаклик билан билдирган фикри ҳаммамизни чуқур ўйлантирмоғи лозим.



Тўй маросимларини ўтказиша дабдабозликка йўл қўймаслик, фарзанд тарбиясига масъулият билан қараш, ота-онага ҳурмат кўрсатиш каби қадриятлар таъсиричан йўсинда аҳоли ўртасида тушунтириб борилса ўзининг ижобий натижасини беради.

Масаланинг яна бир оғриқли жиҳати бор. Гап шундаки, оиласий муносабатлар ҳамда келишмовчиликлардан жабр кўрадиганлар, янада ачинарлиси, тазиқ ва зўравонликларнинг қурбони бўладиганлар – аёллар ва болалар. Маълумотларга кўра, кўпгина давлатларда аёлларнинг 38 фоизи, дунёда эса 1,5 миллиардгача бола айнан оиласда турли кўринишида намоён бўлувчи зўравонлик ва шафқатсиз муносабадан азият чекмоқда (<http://www.mailtmakool.ue/wp-content/uploads>). Гарчанд ҳалқимизнинг дунёқараши, аёлларга ва болаларга нисбатан асрлар мобайнида шаклланган муносабати натижаси ўлароқ юртимизда бундай ноxуш ҳолатлар кўп кузатилмас да, юқорида келтирилган статистик кўрсаткич – умумий жиноят турлари орасида оиласий муносабатлар доирасида содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатлари кам эмаслиги бизнинг заррача лоқайд, беларво бўлишга ҳақимиз йўқлигини кўрсатади.

Амалиётда оиласий мұхитда рўй берадиган ҳукуқбузарликларнинг барваqt олдини олиш борасида таъсиричан тизим яратиш, ундан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий хатари катта бўлган оиласларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан профилактик ишларни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, оиласда маънавий-руҳий мұхитни соғломлаштиришнинг энг асосий йўна-



лишларидан бири тарбия ҳисобланади. Бу хуло-са бугуннинг гапи эмас, тарих синовидан ўтган ҳақиқат. Зеро, «...инсоннинг давлатманд бўлиши, баҳтили бўлиб, иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, баҳтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, кул ва асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ» (Фитрат А. Танланган асрлар. Оила ёки бошқариш тартиблари. -Т, 2006. -262-б). Эътиборли жиҳати, аксарият оиласаларга сиртдан қараганда тинч, ҳаммаси маромида ва бинойидек туюлади. Бироқ шундай оиласалар ҳам борки, уларда мунтазам равишда ўзаро келишмовчиликлар, тортишув ва баҳслар одат

ўртасида тушунтириб борилса, бу чора секин-аста ўзининг ижобий натижасини беради.

Ўрганиш ва таҳлилларда аниқландики, маиший муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини куйидаги услубларда ташкил этиш яхши самара беради.

Биринчидан, биринчирилган маъмурий худуддаги ҳар бир хонадон ҳақида барча маълумотларга эга бўлиш носоғлом турмуш тарзи билан яшаётган фуқароларни аниқлашга, уларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига имкон берадиган сабаб ва шароитларни бартараф этишга хизмат қиласди.

Иккинчидан, профилактик суҳбат оиласада, шунингдек, қариндош-уруғлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил шахсларни аниқлаб, уларга ҳуқуқий ва психологик таъсири кўрсатишга ёрдам беради. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишлари, яъни янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, фуқароларни хушёрлик ва огоҳликка чақириш, қонунга риоя этишига чақириш шахсни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишга ундейди.

Оилавий муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасида Яраштириш комиссиясининг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам муҳим ўрин тутади. Шу йўл орқали хотинч оиласаларни яраштириш, оиласадаги низолар туфайли бузилган муносабатларни тиклаш, бу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этувчиларга нисбатан зарур чора кўриш, фарзанд тарбиясига бефарқ ота-оналарни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижобий таъсири ўтказиш, тўй-маърака каби тадбирларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш имкони кенгайтирилади.

Умуман олганда, ҳалқ билан мулоқотни ташкил этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятигининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишига ҳар томонлама кўмаклашиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Алишер МУРОДОВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

“

Оилавий мұхитда рўй берадиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида таъсирчан тизим яратиш, ундан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий хатари катта бўлган оиласаларни ўз вақтида аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

тусига кириб қолади. Натижада низоли ҳолатлар оиласаларнинг барбод бўлишига, айниқса, оғир жиноятларнинг содир этилишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфи, оқибатлари ҳаётий мисоллар орқали тарғибот-ташвиқот ишларida мунтазам ёритиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам са-марали фойдаланиш мумкин. Мисол учун, тўй ма-росимларини ўтказишида ортиқча дабдабозлил-ка йўл кўймаслик, фарзанд тарбиясига масъулият билан қараш, ота-онага хурмат кўрсатиш каби қадриятлар таъсирчан йўсинда ОАВ орқали аҳоли



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗИЙК ВА ЗҮРАВОНЛИКДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ ҚОНУН

2019 йил 2 сентябрь

ТАЗИЙК ВА ЗҮРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНУВЧИ ҚҰЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- Е тегишли органларга ёхуд судга мурожаат этиш
- бепул ҳуқукий маслаҳат олиш
- ижтимоий, психологияк, тиббий ва бошқа ёрдам олиш.

Жабрланувчи етказилған моддий ҳамда маънавий зарарни қоплаш түгристіде ариза билан судга мурожаат әтганида давлат божи тұлашдан озод қилинады.

Ваколатли органлар тазиик ва зұравонлиқдан жабрланған шахсни ҳимоя механизми, күрсатиладиган ёрдам ва хизматлар түгристідегі **ахборот билан** таништириши лозим.

Тазиик ва зұравонлиқдан жабрланувчиларға ички ишлар органлари томонидан **ҳимоя ордери** берилади.



**ҲИМОЯ
ОРДЕРИ**

тазиик ва зұравонлиқ факти
ёки уларни содир этиш хавфи
аниқланған пайтдан эътиборан

24 СОАТ ичіда ва
30 КҮН муддаттага
берилиши лозим.

Ҳимоя ордери – тазиик
ва зұравонлиқдан
жабрланувчига давлат
ҳимоясınıң тақдим етүвчи,
тазиик үткәзәйтгән ёки
зұравонлиқ содир этган
шахсга таъсир күрсатыш
чөралари күлләнішига
сараб бўладиган ҳужжатдир.



Тазиик үткәзган ва
зұравонлиқ содир этган
ёхуд уларни содир
етишга мойил бўлган
шахсга **ҳимоя
ордерининг нусхаси**
топширилади.

Тазиик ёки зұравонлиқ
такроран содир
этилишининг олдини
олиш мақсадида
зұравонлиқ содир этган
шахс **хулқ-авторини**
үзгартириш бўйича
тузатиш дастуридан
ўтиши керак.




Тазиик ва зұравонлиқдан жабрланған шахсларга оид
барча маълумотлар қонун ҳужжатлари билан қўриқланади.



Аудиторлык хизмати күрсатиш шартномаси фуқаролик-хуқуқий ёндашувларлар

Күплаб олимлар аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасига ҳақ әвазига хизмат күрсатиш шартномасининг бир тури сифатида қарашади. Лекин бәзі тадқиқотларда баҳсли жиҳатлар ҳам мавжудки, уларни таҳлил қилиш орқали аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасининг моҳиятини очиш мүмкін.



Жумладан, В.Колесников мазкур шартномани аудиторлык хизматини ҳақ әвазига күрсатиш шартномаси деб атайды ва аудитор ёки аудиторлык ташкилоти буюртмачининг топшириғига күра аудиторлык хизматини күрсатади, буюртма-чи эса ушбу хизмат учун ҳақ тұлаш мажбуриятини олади деб таърифлайди. Унинг фикрича, аудиторлык хизматини ҳақ әвазига күрсатиш шартномаси пудрат шартномасига кирмайды (*Колесников В.Н. Договор возмездного оказания аудиторских услуг: Дис...канд. юрид. наук : М.: 2004. -С. 66.*).

А.Исаяннинг фикрича, аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасига күра ижроғи аудиторлык текшируви ва келишилган таомилларни амалга ошириши, ҳисоботлар, молиявий ва бухгалтерия ҳисобини тузиши, буюртмачи эса зарурый маълумотни етказиб берishi, аудиторлык хизмати учун ҳақ тұлаши ва шартномада күрсатылған бошқа ҳаракатларни бажариши лозим (*Исаян А.А. Правовое регулирование оказания аудиторских услуг по законодательству Российской Федерации*).



Федерации дисс.канд.юрид.наук.- М.: 2011. - С.79).

Бу борада П.Кособян ва А.Марьинанинг фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Уларнинг фикрига кўра кўплаб тадқиқотчилар аудиторлык хизматини күрсатиш жараёнда юзага келадиган мажбуриятларни ҳақ әвазига хизмат күрсатиш шартномаси билан боғлашлари нотўғри. Бундай хulosага улар моддий натижанинг мавжудлиги эътиборга олмасдан келади. Бундан ташқари, А.Марьина аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасини аралаш шартномалар сирасига киритади, яъни унда пудрат шартномаси ва ҳақ әвазига хизмат күрсатиш шартномаси белгилари борлигини айтib ўтади. Аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасини аудиторлык фаолиятига оид шартномада деб аташ мақсадга мувоғиқ деб таъкидлайди ҳамда унда аудитни ўтказишига оид шартномада аудиторлык фаолияти билан боғлиқ хизматлар борлигини эътироф этади (*Марьина А.А. Субъекты аудиторской деятельности дис. канд.юр.наук.- М.: 2009. -С.62.*).

Мазкур фикрларга кўшилмаган ҳолда аудиторлык хизматининг натижаси сифатида аудиторлык хulosаси аудиторнинг фикри эканлиги, аудиторлык хulosаси пудрат шартномасининг натижаси бўлмиш моддий кўринишдаги ашёлардан кўриб, ушлаб, олдиндан тасвирлаб бўлмаслиги, ўзга шахсларга мулк сифатида ўтказиб бўлмаслиги билан акралиб туради дея фикримизи асосслаймиз.

Суд амалиётида аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасини ҳақ әвазига хизмат күрсатиш шартномаси деб ҳисблайдилар ҳамда ягона хусусиятта эга ҳаракатдан сўнг натижада пайдо бўлади ва унинг моддий ёки моддий эмаслиги аҳамиятисиз деб, бу хulosани аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасига нисбатан ҳам кўллайдилар. Бу борада тадқиқотчи И.Роженцованнинг таърифини кўллаб-куватлаймиз.

Аудиторлык хизматини күрсатиш шартномасига кўра аудитор иккинчи томон – буюртмачининг топшириғига кўра ҳақ әвазига аудиторлык хизматини күрсатиши, у эса барча зарурый маълумотларни тақдим этиши ва аудитор хизмати учун ҳақ тұлаши керак.



Аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномасининг белгиларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим. Жумладан, аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти унга мурожаат этган ҳар бир буюргачининг таклифи, уларни бир-биридан ажратмасдан, қабул қилиши зарур.

Баъзи олимлар аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномаси фидуциар характерга эга дейди. Бу фикрга қўшилган ҳолда аудиторлик хизмати шахсан аудитор томонидан кўрсатилиши учунчи шахсни хизматга жалб этиш мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим. Бунда Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 704-моддасига амал қилинади.

Аудиторлик хulosаси буюргачининг ўзига эмас, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга қаратилгани боис аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномаси учунчи шахслар фойдасига тузилади деб қараш керак эмас. Аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномасига асосан аудитор ўз

ижросини бевосита буюргачига қаратади ҳамда молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларда аудиторга нисбатан ҳеч қандай ҳукуқ ва мажбурият юзага келмайди. Лекин аудитор нафақат мижоз олдида, балки берган маълумотидан фойдаланувчи учунчи шахсларга нотўғри ахборот натижасида етказилган зарар учун ҳам жавобгардир.

Аудиторлик тадбиркорлик фаолиятидир, шундан келиб чиқиб аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномаси тадбиркорлик фаолиятида тузиладиган шартнома эканини ҳам қайд этиш мумкин. Т.Битюкова ҳам аудиторлик шартномаси оддий тадбиркорлик шартномасидан фарқ қиласлигини айтиб ўтади.

Ушбу жиҳатдан олиб қараганда, тадбиркорлик шартномаси деганда иккى ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳукуқ ва мажбуриятлари ўзгариши, ўрнатилиши ёки бекор бўлиши ҳақидаги келишуви тушунилади. Аммо тадбиркорлик шартномаси шартномавий мажбурият сифатида талқин қилиниши мумкин.

Тадбиркорлик соҳасидаги шартномаларнинг қўйидаги хусусиятлари бўйича аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномаси ҳам умумий тарзда мазкур белгиларни ўзида мужассам этади:

- 1** Шартнома тузиш мақсади. Тадбиркорлик фаолияти тарафлар томонидан амалга оширилади, бундай мақсаднинг бўлиш-бўлмаслиги тарафлар учун мұайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради.
- 2** Тарафларнинг мұайян таркиби. Бундай турдаги шартноманинг тарафлари тадбиркорлик субъектлари бўлиши мумкин. Улар давлат рўйхатидан ўтган пайтидан бошлаб бундай мақомга эга бўлади.
- 3** Тадбиркорлик шартномалари ҳақ өвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Бундай шартноманинг тарафи ўз мажбуриятини бажаргани учун ҳақ олади. Мазкур хусусият тадбиркорликдан мақсад фойда олиш эканлиги билан асослантирилади.
- 4** Тарафлар ўртасидаги тортишувлар маҳсус тартибда ҳал этилади.

А.Марьина аудиторлик хизматини кўрсатиш шартномасини тадбиркорлик шартномалари сирасига киритади, яъни шартноманинг бир томонида тадбиркор туриши ва шартнома тадбиркорлик мақсадида тузилишини таъкидлайди.

К.Синдоров ва Ҳ.Турдибоев таъкидлаган тадбиркорлик шартномаларининг ўзига хос

белгилари бўлмиш ҳеч бўлмаганда шартноманинг бир тарафи тадбиркорлик субъекти эканлиги, шартномаларнинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий табанини қондиришга қаратилгани, айрим ҳолларда эса субъектлар эркининг чеклангани, шартнома мажбуриятини бузганлик учун куйтирилган жазо чоралари кўзда тутилгани

каби белгилар ҳам аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси белгиларига мос келади (*Синдаров К. Турдибоеев Х. Тадбиркорлик шартномалари. Монография. ТДЮИ. Ҳуқуқий материялдар таргигботи маркази. Т:2002. -7 б.*).

Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси ҳақ әвазига тузиладиган, консенсуал шартнома ҳисобланади. Бундан ташқари, күплаб олимлар мазкур шартноманинг ахборот ва маслаҳат табиати борлигини айттилдилар.

Бизнингча, аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси ҳақ әвазига хизмат күрсатиш шартномасининг бир тури сифатида юқоридаги белгиларнинг барчасини ўзида акс эттиради ва үнинг белгилари қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1.** Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси фуқаролик ҳуқуқий шартномалар сирасига киради ва ўнга нисбатан фуқаролик ҳуқуқий қонунчиликдаги битимларга оид умумий қоидалар қўлланади.
- 2.** Шартномани тузиш, ижро этиш ва бекор қилишда тарафлар орасида вужудга келувчи муносабатлар аудиторлик фаолиятига оид қоида ва нормалар билан тартибга солинади.
- 3.** Аудиторлик хизматининг буюртмачиси тижорий ва нотижорий ташкилотлар бўлиши мумкин, ижрочиси эса аудитор, аудиторлик ташкилоти бўлади.
- 4.** Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси тадбиркорлик шартномасига хос белгиларга эга. Чунки у тадбиркорликни амалга ошириш учун ҳақ әвазига тузилади ҳамда тарафлар ёки тарафлардан бири унда тадбиркорлик субъекти сифатида иштирок этади.
- 5.** Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси икки томонлама шартнома ҳисобланиб, аудитор ва буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенгdir.
- 6.** Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси консенсуал шартномадир. Тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузилган вақтдан бошлаб юзага келади ва айнан шу жиҳат аудиторлик хизматини күрсатиш шартномасининг консенсуал эканини ифодалайди. Бошқа консенсуал шартномалардан фарқли ўла-роқ мазкур шартномани ижро этиш үнинг тузилиши биланоқ тугалланмайди. Чунки натижага эришиш учун катта миқдордаги ҳужжатларни текшириш зарур бўлади. Бундан ташқари, аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси қоидага кўра молия йилининг бошида тузилади ва йил бўйи давом этади. Аудитор йил мобайнида ҳар чорақда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини текширади ҳамда йиллик натижалар асосида буюртмачига хулоса беради.
- 7.** Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси муйян ҳақ әвазига тузиладиган шартнома бўлиб, ижрочи, яъни аудитор (аудиторлик ташкилоти) ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажаради ва үнинг учун ҳақ олади, буюртмачи эса ушбу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини адо этади.
- 8.** Аудиторлик хизматини күрсатиш шартномаси тадбиркорликада қўлланадиган шартномадир. Унда бир томондан аудитор (аудиторлик ташкилоти) ва иккинчи томондан буюртмачи қатнашади. Буюртмачиларнинг доираси жуда кенг бўлиб, уларга якка тадбиркордан тортиб, тижорат ва нотижорат ташкилотларигача киради.

**Хуршида САЙИДВАЛИЕВА,
ЖИДУ мустақил изланувчиси**



Раҳбар кадрлар уларга қўйилаётган асосий талаблар



Бугунги кун талабига мос раҳбар кадрларни тайёрлаш учун давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Президент фармонида илк маротаба шу соҳани ривожлантириш бўйича давлат хизматининг ташкилий-хуқуқий асосларини ривожлантиришга оид вазифалар белгиланди.

Ҳаракатлар стратегиясида «Давлат хизмати тўғрисида»-ги қонунни ишлаб чиқиш, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантириш, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўтash ва хизматдан кетиш масалалари, бу борадаги кафолатлар тизимини жорий этиш кўзди тутилди. Қонун лойиҳаси [www.regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) порталида кенг муҳокамадан ўтди.

2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон президентининг «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5843-фармони қабул қилинди. Унда давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмайтганига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг

пастлигига олиб келаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётгани таъкидланган. Ҳусусан, давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан, номзодларни очиқ танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибиға солувчи, шунингдек, хизматчиларниң иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонлар, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи қонун мавжуд эмас. Давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органинг мавжуд эмаслиги давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришига, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга йўл қўймаяпти.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятдан фойдаланишини ҳамда профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришини таъминлайдиган шаффоф механизmlар шакллантирилмаган. Шунингдек, аҳоли орасида барча даражадаги давлат фуқаролик хизмати нуғузини ошириш, коррупция юзага келишининг олдини олиш мақсадида хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва ижтиёмий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чорала-

ри жорий этилмаган.

Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4472-қарорига мувофиқ Ўзбекистон президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Бугунги кунда агентлик томидан юқоридаги масалалар ечими бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиб, тегиши органларга тақдим этилган. Хусусан, Давлат фуқаролик хизматига киритиладиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари рўйхати, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри, Давлат хизматчиларининг малака даражалари тўғрисидаги, Давлат фуқаролик хизматини ўташ тартиби тўғрисидаги, Давлат фуқаролик хизматчиларини очиқ танлов орқали танлаб олиш тартиби тўғрисидаги, Давлат фуқаролик хизмати тизимида миллий кадрлар захираси тўғрисидаги, Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилини кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда бугун давлат органлари, фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар тобора демократлашиб бормоқда. Бошқарув технологиялари, аҳолининг ҳукуматга бўлган талаблари ҳам ўзгарган. Зоро, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидай,

«Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб таъинланади. Барча бўйиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур».

«Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон президентининг 2018 йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар амалиётда тўлиқ кўлланмоқда.

Авваллари бошқарувда «юқоридан пастга» усулида фаолият олиб борилган бўлиб, бу бюрократизм, бўйруқбозлик, қофозбозлик, мансабидан фойдаланган ҳолда бошқа тизимларнинг ишига аралиши, янгиликка интилмаслик, коррупция, маҳаллийчилик ва ҳоказоларда намоён бўлган. Маҳаллий раҳбарлар кўл остидагиларга тазиқ ўтказган, ҳақоратлаган, муаммосига ечим излаб келганларга тамагирлик қилган. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўла таъминланмагани, раҳбарларга ҳаддан зиёд ваколатлар берилгани, жамоатчилик назорати йўлга қўйилмагани бунга сабаб бўлган.

Президент Шавкат Мирзиёев бошқарувнинг мулокотга асосланган янги шаклини жорий этди. Бошқарувнинг диалог усули иммий жиҳатдан ҳам асосланган бўлиб, инглиз олими М.Мексоннинг изоҳлашича, давлат хизматчиси фаолиятининг самараదорлиги энг

аввало коммуникация самараదорлигига боғлиқдир. Эндилиқда ислоҳотлар самарасини белгилашда ҳалқ манфаати устуворлиги, раҳбар фаолиятини баҳолашда ҳалқнинг розилиги асосий мезон этиб белгиланди. «Кечагидек ишлаш», маҳдудлик, коррупция, таниш-билишчилик ўзини оқламаслиги аён бўлди.

Раҳбар маънавияти мұхимлиги у маҳсус тайёргарлик кўрган, бошқариш сирлари, қонун-коидаларини пухта эгаллаган малақали мутахассисигина эмас, давлатнинг номидан иш кўрадиган шахс эканлиги билан ҳам белгиланди. Давлат органларининг мансабдорлари ҳалқ манфаатини кўзлаб фаолият юрита олиши учун виждонли, фаросатли, бағрикенг, ташаббускор, ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қила оладиган, одамлар билан муомаласи чиройли бўлиши шарт.

Шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистонда раҳбарларга қонун ва адолат устуворлигига сўзсиз риоя қилиш; фикрлар хилма-хиллигини инкор этмаслик; бошқарувнинг фикрини тинглай олиш ва ҳурмат қилиш; масъулиятни чукур ҳис этиш; билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлиш; ишига, ватанига садоқатли бўлиш; ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш; ҳали билан бамаслаҳат иш юритиш; расмиятчиликка берилмаслик; ўз билими, малакасини мунтазам ошириб бориш каби таблар кўйилмоқда.

Мазкур талабларни рўёбга чиқаришда юқорида келтирилган қонун ҳужжатлари дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мирзоҳид КОМИЛОВ,
Ўзбекистон президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Тингловчиси



Ҳарбий газета мафкуравий қурол(ми?)

Мазкур мақолада мамлакатимизда октябрь инқилобидан кейин чоп этилган илк ҳарбий газеталардан бири маҳаллий аҳоли онгига асосан нимани сингдиришга урингани ва ўз навбатида қизил аскарлар учун қандай мафкуравий буюртмани бажаргани тилга олинади.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни. Йил аввалида кутиб оладиган илк байрамимиз. Мен бу санани тинчликни байрам қилиш саодати деган бўлардим. Ўзбекистон халқи миллий армияси ташкил топган кунни фаҳр, ғурӯр билан нишонлайди. Негаки ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносаб зарба беришга тайёр Куролли Кучларимиз – халқимиз, мамлакатимизнинг ишончли ва мустаҳкам қалқонидир. Аммо бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шунни яхши англаб етиши керакки, Ўзбекистон олиб бораётган мустақил сиёсатга қарши билдирилган огоҳлантириш ва дўйқ-пўписалар, амалда нағойиш этилган тазиқлар, танлаган тараққиёт йўлимидан қайтаришга қаратилган жиддий ҳаракатлар шароитида давлатимиз раҳбарияти улкан жасорат билан миллий армиямизга асос солиши, шакллантиришга қарор қилганди. Биргина мисол келтирайлик. Марказий Осиёдаги республикаларга ўз миллий армияларини тузишда зимдан тўқсунлик қилиш мақсадида 1991 йил 30 декабрда СССР Мудофаа вазирининг 550-буйруғи асосида Туркистон ҳарбий округи кўмандонининг «Туркистон ҳарбий округи тижорат марказини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди. Тижорат марказлари этиб Олмаота, Ашхобод, Бишкек, Душанбе ва Тошкентдаги офицерлар уйлари танланди. Ҳарбий қисмларга хисобдан чиқарилиши лозим бўлган техникаларни тижорат марказига юбориш хабари ва мазкур тузилмага барча мулкларни ички ва ташқи бозорларда эркин нархларда сотишга рухсат берилди. Тижорат операцияларидан олинадиган даромадлар СССР Мудофаа вазирилиги жамгар масига ўтказилиши белгилаб кўйилди.

Ўз-ўзидан маълумки, бу ёндашув асос солишаётган миллий армиянинг шаклланиш жараёнинг салбий таъсир кўрсатар эди. Шу сабабли 1992 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирининг «Туркистон ҳарбий округи кўмандонининг 1991 йил 30 декабрдаги 231-буйруғини Ўзбекистон ҳудудида ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида»ги 9-буйруғи

асосида Туркистон ҳарбий округи тижорат маркази фаолияти тўхтатиб кўйилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси ходимларига қурол-аслаҳа, техника ҳамда ҳарбий-техник буюмларни назорат қилиш ҳамда уларга бундай юкларни Мудофаа ишлари вазирилиги томонидан алоҳида кўрсатма бўлмагунига қадар ушлаб туришга рухсат берилди. Курол-аслаҳа, ҳарбий ашёлар талон-торож қилинишининг олди олинди.

Бу яқин тарихдан мисол. Аслида миллий озодликка эришишга қарши қаратилган бошқа кучли воситалар ҳам бўлган. Шулардан бири газетадир. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бир асрчә ортга назар ташлаб, Ўзбекистонда шўрөлар ҳўқмронлиги даврида нашр этила бошланган илк ҳарбий газеталардан бири – «Красная звезда»ни (1921 йил 12 июндан Тошкентда чоп этила бошланган) ўргандик, таҳлил қилишга уриндик.

Аввало ҳарбий газета маҳаллий аҳоли онгига асосан нимани сингдиришга уринганини ўрганиш учун 1922-1923 йиллардаги сонларининг айримлари кўриб чиқилди. Газетанинг 1922 йил 17 сентябрь¹ сонида «По Красному Туркестану» («Кизил Туркистонда») рукнида берилган «Расстрел «девяти» («Тўққизаси отилди») сарлавҳаси остида берилган хабарда Туркфронтнинг ҳарбий инқилобий трибунали (ХИТ) (РВТ – революционний военный трибунал) Фаргонанинг бир қатор қишлоқ ва шаҳарларидага курол савдоси билан шуғулланган аҳоли вакилларини суд қилгани ёзилган. Унда жумладан, ХИТ хукими асосида отувга хукм қилинган 9 фуқаронинг исм-фамилияси айнан келтирилади.

¹ «Красная звезда» 1922 йил 17 сентябрь, 57 (189)-сон, 1-бет.

Газетанинг 1922-1923 йиллардаги сонларида «Добъем басмачество» («Босмачиликка барҳам берамиз»), «Против басмачей» (Босмачиликка қарши), «Борьба с басмачеством» (Босмачиликка қарши кураш) каби руқнларда мунтазам равишда мақола ва хабарлар бериб борилган. Нашр бу йўналишдаги тарғибот

1922 йил 22 сентябрь сонидаги «Смерть Муэтдину!» («Мұхиддинга ўлим») сарлавҳали материалда эса шундай ёзилган:

«Биз Аравон қишлоғи фуқаролари ва гарнизон қизил аскарлари Мұхиддин ва Янгебойнинг бебошлигини инобатга олиб, суддан уларга нисбатан олий жазо (отув) қўлланилишини сўраймиз.

Таслим бўлмаганларга – қўрбошиларга қўйидағича мурожаат этамиз: ўртоқ қўрбошилар, таслим бўлинг ва қуролларни совет ҳукуматига топширинг. Совет ҳукумати қилган гуноҳларингизни кечиради, ҳеч бир қўрбоши, шунингдек унинг ийтларига даҳл қилинмайди.

Фарғонадаги осойишталикка шон-шарафлар бўлсин. Ҳамма нарса меҳнат учун.

Таслим бўлишни истамаган босмачиларга ўлим!».

PR технологиясидан қанчалар усталик билан фойдаланилганини келтирилган мисолдан ҳам кўриш мумкин. Яъни озодлик учун курашган қўрбошига қарши ҳатто ўзининг ҳамқишлоқлари номидан газетада муносабат берилган. Бундай усул, табиийки, ижтимоий фикрга кучли таъсир этади.

Газетанинг 1922 йил 3 октябрдаги² сонида мавзуга бот қайтилган. Қўрбоши ҳақида жамоатчилиқда салбий тушунчалар ҳосил қилиш, шуролар жиноятини хаспўлашша мақсадида нашрдан давомли равишида фойдаланилган.



орқали шуролар ҳукуматининг сиёсий буюртмасини бажарган. Туркфронт газетаси ходимлари босмачиликка қарши кураш ниқоби остида миллий озодлик ҳаракатини бўғишига, аҳоли ўртасида аксилтарғибот олиб боришга жиддий эътибор қаратган деган холоса келиб чиқади.

«За что расстрелян Муэтдинбек?» (Мұхиддинбек нега отилди?) мақоласидаги ушбу сатрлар фикримизни исботлайди:

«Ҳарбий инқилобий трибунал аҳолининг хошиш-истагини тўла қўллаб-қувватлайди.

Аҳоли томонидан ижобий фикр билдирилган уч нафар айланувчига нисбатан ҳукм енгиллаштирилди ва улар 5 йилга озодликдан маҳрум этилди».

² «Красная звезда» 1922 йил 3 октябрь, 70 (202)-сон.

Эътибор беринг. Ревтрибунал (ҳарбий инқилобий трибунал) ҳукми аҳоли хоҳиш-истаги ҳисобга олинган ҳолда чиқарилди деб ёзилмоқда. Бу қизил террорнинг PR технологиясидан қанчалар усталик билан фойдаланганини яққол кўрсатиб турибди. Материаллар таҳлилига асослансанак, Ўзбекистонда чоп этилган илк ҳарбий газета маҳаллий аҳоли онгига кўпроқ нимани сингдиришга урингани қўйидагиларда намоён бўлади:

советлар сиёсати тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишга;

советларнинг халқаро майдонда кенгайиб бораётган ўрни мисолида тузумга бўйсуниш ҳиссини ҳосил қилишга;

советларнинг Россия ва бошқа бўйсунувдаги ўлкаларда тузумни мустаҳкамлаш ўйлида олиб бораётган муҳим ишларидан хабардор этишига;

шуро душманларига қарши салбий фикрни шакллантиришга;

аҳолини босмачилик (аслида миллӣ озодлик – муаллиф изоҳи) ҳаракатига қарши курашга чорлашга;

тузумга қарши курашаётган миллат фидойиларига нисбатан нафрат ҳиссини уйғотишига;

қизил армия қирғинларини халқнинг тинчлиги, ҳаловатини сақлаш ўйлидаги ҳаракат экани билан оқлашга;

душманлик кайфиятида бўлганларни ҳарбий трибунал ва тузум қўллайдиган жазо билан қўрқитишига ва ҳ.

Келинг, шу ўринда танганинг иккинчи томонига ҳам назар ташласак. Яъни газета бевосита қизил аскарлар учун қандай мафкуравий буюртмани бажартган?

1. Жанг олиб бориш, ҳарбий илмни ўргатиш.

Масалан, «Учимся военному делу» (Ҳарбий илмни ўрганамиз) рукнида қуролларни, портлатиши вositаларини ишлатишни, умуман олганда, жанг олиб боришида керак бўладиган тактикани ўргатишган. Газетанинг 89-сони³ да муҳандислик илми, яъни портлатиш-кўпорувчилик билан боғлиқ ҳарбий илмдан сабоқ берилган. Порох, динамит ва бошқа портлатиши вositаларини ишлатиши тартиби тушунтирилган. 1922 йилнинг 2 декабридаги «Азиатская конница»⁴ (Осенининг отлиқ кўшини) сарлавҳали материалда ажоддларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, отлиқ жанг

олиб бориш маҳорати ҳақида қизил аскарларга сабоқ ўтилган.

«Красная звезда»нинг 1923 йилдаги сонларида ҳам тилга олинаётган мавзуда кўплаб материаллар учрайди. Масалан, муаллиф Гевконинг «Артинспекция в Кр. Кушке»⁵ (Кизил Кушкадаги артиллерия инспекцияси) номли мақолоси орқали артиллерия билан боғлиқ ҳарбий илм ўргатилиди. Шунингдек, «Красная звезда»нинг 1923 йил 27 ноябрдаги⁶ сонида ҳарбий алоқа, 6 декабрдаги⁷ сонида эса кимё соҳасининг ҳарбий илмдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Табиийки газета орқали ўтилган ҳарбий сабоқлар муҳим қўлланма, ўйриқнома вазифасини бажарган.

³ «Красная звезда» 1922 йил 25 октябрь, 89-сон, 3-бет.

⁴ «Красная звезда» 1922 йил 2 декабрь, 110(251)-сон, 2-бет.

⁵ «Красная звезда» 1923 йил 5 октябрь, 218-сон, 3-бет.

⁶ «Красная звезда» 1923 йил 27 ноябрь, 262-сон.

⁷ «Красная звезда» 1923 йил 6 декабрь, 270-сон.

Великая Победа - годы.
 Первый с басмачами в Туркестане 1921 - 1925 гг.
 На фронте и в тылу
 Отряд Контрольной Команды.

1921 год 24 Февраль
 6/бухза.

2. Маҳаллий аҳоли билан мулоқотни таъминлаш, алоқаларни яхшилаш.

Газетанинг 1923 йил 18 октябрь⁸ сонида «Узбекский язык изучаем» (Ўзбек тилини ўрганизмиз) рукнида муйян мавзуга бағишиланган ўзбекча сўзлар ва унинг рус тилидаги таржимаси берилган. Яъни маҳаллий аҳоли билан кундалик мулоқотда зарур бўладиган мухим сўз ва ибораларни ўрганишга эътибор қаратилган. Бунда тилни билишга маҳаллий халқ орасида шўро ҳукуматининг «халқпарвар» сиёсатини, босмачиликка қарши кураш кампанияси моҳиятини ва бошқа долзарб масалаларни тарғиб қилиш воситаси деб қаралган.

3. Қизил аскарларни матбуот воситасида тарбиялаш, улар орасидан жамоатчи мухбирларни, тарғиботчиларни шакллантириш.

«Уголок военкора»⁹ (Ҳарбий мухбир бурчаги), «Страница политработника»¹⁰ (Сиёсий ишлар ходими саҳифаси) каби рукнларда фронтдан, гарнизонлардан қизил аскарлар хабарлар ёзиб турган. Газетанинг 1922-1923 йилги сонларида Кавдив, Юнусов, Колчин, Холодов, Котик, Белкин, Несудимов, Яушев, Саломко, Борисов, Винкович, Чурилов, Марков, Бородинов каби

«военкор», яъни жамоатчи ҳарбий мухбирлар имзоси билан материаллар бериб борилганини кузатиш мумкин.

Газетада нафақат маҳсус руқнилар орқали жамоатчи ҳарбий мухбир – «военкор»ларнинг ахборотлари бериб борилган, балки улар учун конференциялар ўтказилган. Мазкур анҷуманларда жамоатчи ҳарбий мухбирларга қандай мавзуларда ёзиш, нимани ёзиш, нималарга эътибор қартиш каби масалалардан келиб чиқиб, вазифалар белгиланган, маҳорат сабоқлари ўтказилган. Бундан мақсад ўша пайтда жамоатчилик фикрини шакллантиришда коммуникациянинг энг мухим воситалардан бири бўлган газетадан яна-да самаралироқ фойдаланишдир. Демак, қизил аскарлар кўлидаги куроли билан миллий озодлик ҳаракатини жисман, мафқуравий куроли – газета билан маънан маҳв этиши лозим бўлган.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳарбий газета ҳукмрон мағкура учун мухим сиёсий тарғибот куроли вазифасини ўтаган, шўёрлар нашр ёрдамида PR технологиясини халқ ўртасидаги норозиликлар, миллий озодлик учун курашни бостиришига йўналтирган. Бу мустабид давр сиёсатининг қиёфасини яна бир бор акс этиради.

Алисон САФАРОВ,

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчisi

⁸ «Красная звезда» 1923 йил 18 октябрь, 229 (603)-сон, 3-бет.

⁹ «Красная звезда» 1923 йил 21 ноябрь, 257 (644)-сон.

¹⁰ «Красная звезда» 1922 йил 19 сентябрь, 58 (190)-сон, 3-бет.



Виртуал оламдаги болалар

Интернет тизими бутун дүнёни қамраб олишга улгурған, ҳаётимизнинг ажралмас қысмига айланған бир пайтда болаларнинг рақамлы макондаги хавфсизлегини таъминлаш, тизимде бола ҳуқуқтарини ҳимоя қилиш масалалари жағон ҳамжамияты олдидаги жиddyи муаммо бўлиб қолмоқда. Уни бартариф этиш учун эса дунё мамлакатларининг ҳамкорлiği талаб қилинади.





Интернет имкониятлари ниҳоятда кенг ва улар ундан эзгу мақсадлар йўлида фойдаланувчилар учун ҳам, ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланувчилар учун ҳам бирдай амал қиласи. Бугунги кунда интернет, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан самарали фойдаланиб, кўплаб ютуқ ва муваффакиятларга эришаётган ёшларимиз сафи тобора ортиб бормоқда. Аммо тан олиш керак, интернетдаги маълумотлардан ўринли фойдаланиш ўрнига ваҳшийлик, зўравонлик, порнография ва инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа иллатлар домига тушиб қолаётган вояга етмаганлар сони ҳам ошиб бораяти.

Хозирги кунда интернет орқали кириб келаётган хатарларнинг болалар онгига таъсир қилувчи энг тарқалган усули интернет ўйинларидир. Интернет ўйинлари орқали боланинг виртуал қаҳрамон образига кириши уни ўзига тез ва осон жалб этади. Интернетда бундай ўйинлар сон-саноқсиз бўлиб, турли йўналиш ва ёш тоифалари учун мўлжалланган. Улар орасида шундай мазмундаги ўйинлар борки, уларда «сен ўлдирамсанг, сени ўлдирадилар» ғояси илгари сурилган.



Маълумотларга кўра, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузлик кўринишига эга, 41 фоизи жангари (турли отишма ва портлашларга асосланган) ўйинларда эса қаҳрамондан ўйинни ютиш учун шундай зўравонлик ва ёвузликлар содир этиши талаб қилинади. Бир қарашда, улар оддий ўйиндек кўринар, бироқ зўравонлик, ёвузлик кайфиятини уйготиши салбий оқибатларга олиб келган ҳолатлар кўп.

Буни интернет тармоғидаги «Кўк кит» деб номланган ўйин мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир-икки йил муқаддам бутун дунё бўйлаб бу ўйин гирдобига тушиб қолган ўсмирларнинг ўз жонига сунқасд қилиш ҳоллари кўпайгани ҳакида гапирилган эди. Даставвал, иштирокчи учун ўйин қоидалари хавфсиз ва заарасиздай кўринади, аммо охир-оқибат якуний топшириқ ўсмирнинг ўз жонига қасд қилиши билан якунланади.

2018 йилда Тунисда ўз жонига қасд қилган етти нафар ўсмирнинг ота-онаси «Кўк кит» ва унга ўхшаш маҳаллий «Miriam» ўйинини тақиқлашни сўраб судга мурожаат қилган эди. Натижада Сус шаҳри суди мамлакат ҳудудида бу ўйинларни тақиқлаган эди.

Саудиялик 13 ёшли қиз ва 12 ёшли ўғил боланинг «Кўк кит» ўйини таъсирида ўз жонига қасд қилиши бўйича оммавий ахборот воситаларидағи чиқишлар натижасида Саудия Арабистони хукумати 47 та видеоОйинни мамлакатда тақиқлаб қўйган.

Германия полицияси ҳам бу ўйин қурбонига айланган ўсмирлар тақдиридан хулоса қилиб, барча ота-оналарни интернет тизимидан фойдаланаётган фарзандларини назорат қилишга чақириган.

2017 йилда Тошкент шаҳрида 31 та мактаб, 5 та коллеж ўқувчилари орасида мазкур ўйинга киргиланлар борлиги аниқланган. Ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида уларнинг бу ўйин таъсиридан чиқиб кетишига эришилган.

ЮНИСЕФ маълумотига кўра, интернет фойдаланувчиликнинг учдан бир қисми 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Ана шундай бир ҳолатда, глобал тармоқда ўз жонига қасд қилишининг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 минг,

MIRIAM



шаҳвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайт мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, ЮНИСЕФ ўтказган сўровлар интернетдан фойдаланадиган ўсмирларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни излаганини кўрсатмоқда.

Россиянинг «Руметрика» компанияси ўтказган ўрганишлар натижасида интернетдаги 9 миллионлик болалар аудиториясининг тўртдан уч қисми тизимдан ота-оналарининг назорати-зиз фойдаланиши аниқланган.

Мамлакатимизда ҳам интернет фойдаланувчилари сонининг кун сайин ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг 35 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар ва уларнинг аксарияти айнан ёшлар, шунингдек, болалардир.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, интернет маконида бола хукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари жамиятимиз олдида турган жиддий муаммолардан бири. Бунинг учун аввало болаларнинг медиа саводхонлигини ошириш, рақамли макондаги қизиқишларини мунтазам ўрганиб бориш, уларга оммавий маданият таҳди迪 ва ёт оқимларнинг хақиқий моҳиятини фош этувчи маълумотларни етказиш тизимини йўлга қўйиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Миллий қонунчилигимизда бу соҳада болаларни ҳимоя қилишга оид тегишли нормалар

“

Интернет фойдаланувчиларининг учдан бир қисми 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Ана шундай бир ҳолатда, глобал тармоқда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 минг, шаҳвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайт мавжудлиги аниқланган.

мавжуд. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Жиноят кодексига кўра, зўравонлик ва порнографик маҳсулотларни мамлакатимизга олиб кириш, тарқатиш, намойиш этиш, реклама қилиш ва бошқа ҳаракатлар учун жазо чоралири кучайтирилган. Қолаверса, таълим муассасаларида уяли алоқадан фойдаланишини тартибга солиш мақсадида 2012 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрида қабул қилинган «Ахборотлаштириш



түғрисида»ги қонуни ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Шунинг билан бирга, 2017 йилда «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш түғрисида»ги қонун қабул қилинганини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Унда хавфлар даражалари ва хавфсизликни таъминлаш чоралари белгилаб берилган. Қонунга кўра, ахборотни тарқатишда унга ёш тоифасига оид белги қўйиш мажбурий. Бироқ бу қоида фақаттинга миллий контентдаги ижтимоий тармоқларда, сайтларда берилаётган ахборотларга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги кунда ёшларимиз фаол фойдаланадиган YouTube, Telegram ва Facebook ижтимоий тармоқлари эса миллий контентимиз платформаларига кирмайди, демак уларда берилаёттан ахборотга ёшга оид тоифа белгисини қўйишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ.

Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам болаларни рақамили маконда ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни фақаттинга бир давлат томонидан амалга ошириб бўйласлигини, бужаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракат-

“

Интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузлик кўринишига эга, 41 фоизи жангари (турли отишма ва портлашларга асосланган) ўйинлarda эса қаҳрамондан ўйинни ютиш учун шундай зўравонлик ва ёвузликлар содир этиши талаб қилинади.

лари билан амалга оширилиши лозим бўлган ва-зиға эканини кўрсатади.

Ахборот таҳдидларига қарши курашда, дейлиқ, интернет манбаларини тақиқлаш ёки уларни ёпиш орқали натижага эришиб бўлмайди. Ахборот истеъмоли маданияти бўлмаса, барча ури-

нишлар бекордир. Шу сабабли болада ахборотни түғри қабул қилиш, унинг синтези ва таҳлили кўнкимларини оиласдан шакллантириш керак.

Замонавий жамиятда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мувофиқлаштирилган ҳаракатни талаб қиласди. Шу сабабли бунда оиласдан бошлаб, таълим муассасалари, жамоатчилик ва маҳаллий давлат ҳокимиёти органлари масъулиятни биргаликда зиммасига олишлари лозим. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фарзандларини ташки маънавий таҳдид ва ахборот хуруджларидан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг масъулияти, билими ва жавобгарлигини оширишга оид услугубий қўлланмалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Таълим муассасаларида соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда вояга етмаганларнинг интернетдан фойдаланиш бўйича малакасини оширувчи мулоқотлар, давра сұхбатлари ва тренинглар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро ҳукуқий майдонда болаларни рақамили маконда ахборот хуруджларидан ҳимоя қилишга доир бир қатор ҳужжатлар қабул қилинганини кўришимиз мумкин. Улар асосан Евropa Кенгаши доирасида қабул қилинган ҳужжатлардир. Жумладан, Болаларни эксплуатация ва жинсий таҳқирлашлардан ҳимоя қилиш бўйича конвенция (Лансарот конвенцияси) ва «Интернетда болаларнинг қадр-қиммати, хавфсизлиги ва шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш түғрисида»ги Вазирлар Кўмитаси декларацияси (2008), ушбу кўмитанинг «Болаларни зарарли контент ва хулқ-атвордан ҳимоя қилиш ва янги ахборот-коммуникация мухитида уларнинг фаол иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари түғрисида»ги тавсиялари (CM/Rec(2009)5)ни келтириш мумкин.

БМТ доирасида ҳам болаларни турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган ҳукуқий меъёrlар қабул қилинган. Масалан, Буш ассамблеянинг «Бола ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш түғрисида»ги резолюцияси (A/RES/69/157, 2014 йил 5 декабрь), «Болаларни хўрлашлардан ҳимоя қилиш түғрисида»ги резолюцияси (A/RES/69/158, 2014 йил 18 декабрь) каби ҳукуқий актларда интернет тизимида болалар шахсини таҳқирлашнинг олдини олиш бўйи-

ча кўрсатмалар берилган. Аммо юридик жиҳатдан олганда, Бош ассамблея резолюциялари мажбурий характердаги актлар ҳисобланмайди, улар асосан декларатив, тавсиявий характердаги хужжатлардир.

БМТнинг Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияси нормаларида, мазкур конвенцияга доир Болалар савдоси, порнографияси ва проституциясига оид қўшимча протоколда ҳам давлатлар томонидан болаларни турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш зарурлиги бўйича чоралар кўрилиши белгиланган. Бирок ҳалқаро хукуқий майдонда айнан виртуал ҳаёт орқали кириб келаётган таҳдидларнинг олдини олиш, болаларнинг рақамли макондаги хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга оид давлатларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари

ри ва таҳдидлар курбонига айланадиганини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳалқаро хукуқда айнан виртуал оламда болаларнинг хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир «Болаларни рақамли маконда ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қўшимча протокол ишлаб чиқиш ва мазкур хужжатни қабул қилишда Ўзбекистоннинг ташаббускор бўлиши таклиф қилинади. Унда болаларнинг ахборот саводхонлигини таъминлаш, янги технология ва ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланганда болаларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига бўлган хукуқларини ҳимоя қилиш, миллий даражада рақамли хавфсизлик бўйича ахборот-таълим кампанияларини амалга ошириш,



ҳамда мажбуриятларини белгилаб берувчи универсал ҳалқаро хукуқий хужжат мавжуд эмас.

Табиийки, Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинган давр (1989 йил) билан ҳозирги замон тубдан фарқ қиласди, сабаби бу гунги техник имкониятларнинг кенгайиши ва коммуникация тизимига киришининг осонлиги, интернетнинг болалар хулқ-авторига таъсир кўрсатувчи катта имкониятларга эга бўлаётгани дунё бўйлаб минглаб болаларнинг интернет орқали амалга оширилаётган ахборот хуружла-

интернетда болалар учун хавфсиз муҳит яратиш ва уларнинг қадр-қиммати, хавфсизлигини ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олиниши муҳим деб ҳисоблаймиз. Таклиф этилаётган қўшимча протоколда давлатлар томонидан тақиқ қўйилиши лозим бўлган ахборот турларини кўрсатиш, шунингдек, мазкур протокол билан аъзо давлатларга бир қатор мажбуриятлар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Феруза МИРУКТАМОВА,
ТДЮУ ўқитувчisi

«Түтінгін» ўғыл

Амал курсисіда ўтирганніңда ким әнг күп төвөнингни яласа, курсидан түшганиңда ўша бириңчи бўлиб сендан юз ўгиради деганлари қанчалик түёри эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим.

Бир қадрдоним бор әди. Кунора кўнглироқ қилиб, ҳафтада келиб турар, шифохонага тушиб қолсам, «овора бўлманг» дейишмуга қарамай ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагида дам олмай, тошиб борар, «бир чўқимгина» оши қилмаса, кўнгли жойига тушмас әди... Буниси ҳам майли, икки гапнинг бирида «мен сизни отам деганман, сиз менинг отамсиз» деб, худони ўртага солиб қасам ичарди...

Мансабим жиндан ўзгарган әди, ««боламни» йўқотиб қўйдим. Суриштирсан бошқа ота излаб юрган экан...

Ўтқир ҲОШИМОВ

Азоб

Истиҳола ёмон нарса бўларкан...

— Ундан кейин... мен унга айтдимки...

Ердан кўз узолмай, гапларингни жимгина тинглаб ўтирибману, сенга ҳам, ўзимга ҳам ачиниб кетяпман. Эҳ, дўстим, сени тоза қийнаб қўйдим-ку. Агар ёлғон тўқишига бу қадар нўноқлигинингни билганимда әди, алдаши бошлаган заҳотинг: «Бас қилақол...» дердим ва шу билан ўзимни ҳам, сени ҳам бу азобли хижолатпазликдан қутқарган бўлардим.

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

Тескари ўрнак

Телефонида ўйин ўйнаб ўтираркан, телевизорда гапираётган опанинг «Интернет ўйинлари болалар учун зарар» деган гапини эшитиб сергак тортиди.

Үглини қидиришга тушибди. Қараса, ўсли орқасида ўтириб унинг ўйин ўйнашини томоша қиласяпти.

— Тур, бориб дарсингни қил, — деди-да яна ўйинини давом эттириди.

Файрат ЙЎЛДОШ

Истак

У бир вактлар вазир ўринбосари бўлиб ишлаган. Ўшанда ҳузурига жуда кўп одам келарди. Телефони ҳам тинмасди. Илтимос устига илтимос ёвиларди: «Шунни ҳал қилсангиз, ахли оиласиз билан ҳаққингизга дудамиз», «Ҳаммаси сизга боғлиқ бўлиб турнибди», «Жон ака, бир оғиз сўзингиз мушкулимни осон қиласди».

Ялиниб-ёлворишлар, давралар тўрига ўтқазишлар кўйлағган сайн у одамлардан, мурожаатлардан безор бўлди. Ҳузурига ҳеч кимни киритмади, телефон қўнгироқларига ҳам жавоб бермай кўйди. Одамларни эшиитишни, кўришини истамади...

Бугун у нафақада. Уйда ўтирибди. Эрталабдан кечгача эшикка мўлтираб қарайди, биргина қўнгироққа маҳтал. Бирок ҳеч ким уни йўқлаб келмайди, телефони сира жирингламайди.

Анвар НАМОЗОВ

Симулякр

Йигит ҳали жуда ёш эди. Аммо түзма юрак нуқсони бор бўлиб, мураккаб ва қиммат амалиётни тақозо этарди. Шунга қарамай, тақдир экан, ўқишини тамомомлаб, маънавият соҳасига ишга кирди, ҳартугул қўли юнқа ота-онасига доқиманда бўлмади – ўзини ўзи этлади. Бахтига ишхонасидагилар ҳожатбардор чиқиб қолди: мажlis ўтқазишиб, инсон манфаатлари учун ҳамма нарса-га тайёрмиз деган ҳамкаслари юрак амалиёти учун 10 000 АҚШ доллари ажратилиши тўјрисида қарор қабул қилишиб, қўл кўтаришиди. Йигит беҳад севинди. Касал юраги ҳапқирди. Аммо иш пулни беришига келганда унмай қолди. Бу орада йигитнинг юраги яна бир хуруж қилди. Шошилинч мажlis чақирилиб, энди амалиётга 15 000 АҚШ доллари кераклиги тўјрисида келишиб олинди, қўллар кўтарилиб, бир овоздан тасдиқланди. Лекин бу гал ҳам ишхона кассасидан пул чиқмади. Фурсат ўтиб, йигит бутунлай ётиб қолди. Галдаги мажлисда амалиётга 20 000 АҚШ доллари зарурлиги айтилганда овоз бериш учун ҳамма қўллар кўтарилиди. Аммо айни лаҳзаларда шаҳарнинг нариги чеккасида йигитнинг тобути ҳам кўтарилган, у алдамаган – чиндан ўлганди...

Улуғбек ҲАМДАМ



«Ахиллик»

Улар шүнчалар бир-
бирларини сөвешарди,
ардоқлашарди, қизгани-
шарди.

Бир сүз билан айтган-
да ибрат даражасида эди.

Ажрим қозозини күра-
ётган судьяни эса бунга
ишонтиrolмасдингиз.

Нуриддин ЗИЁ

Дори

Киз дорихонада ишларди.
Ишдан қайтишида кунора, уч
кунда бир күйини чолга дори
олид келарди. Ҳарна-да!

Яқында қиз ишдан бўшади.
Отахон ҳам кўпга бормади.

Малика ЖЎРАЕВА

Режа

Майдонда барваста бир одам қўлларини орқага қилганича, алланималарни
ничирлаб, айланиб юрафди. Майдон четида турган икки киши ундан кўз узмасди.

– Хўш, уни қандай қилиб ўлдирис мумкин? – сўради бирни папирос тутматид.

– Тоза боини қотирди-да шу масала! Айтубдим-ку, ҳаммасини олдиндан
пухта ўйламагунча, ишни бошламаслик керак деб! – шеригининг қовоги осилди.

– Балки ортидан пусиб бориб, ҳамла қилган матъкулдир?

– Йўқ, бу ер очиқ майдон, бўлмайди. Яхиси, бирор хилватроқ ерга бошлиб
бориш керак... Эҳ, – тишларини вижирлатди у, – бунинг учун яна битта одам
керак бўлади...

– Яна бирор йўли борми? – сўради биринчиси.

Икковлари ўйга толишиди. Бу орада майдонни айланиб юрган одам уларнинг
орқасида пайдо бўлди.

– Кечирасиз, жаноб режиссер, – деди у хижолат аралаш, – мумкин бўлса,
тасвирга олишини бошласак, бугун ўйга эртароқ қайтмоқчи эдим...

Хуршида АБДУЛЛАЕВА

Адвокат

Ажрашиши арафасида турган эр-хотинни яраштириши-
га ундан баъз-насиҳат қилган масъул ходимга томонлардан
биралининг адвокати асабий ҳолатда қўнгироқ қилди:

– Мижозимга суддан даъвосини қайтариб олишини
маслаҳат беришга нима ҳаққингиз бор? Ажрашишадими,
йўқми – буни суд ҳал қиласди, сиз эмас!

Акбаржон АБДУЛМАЖИД

Тоза

У обрўли одам. Университетда дарс беради. Фан доктори. Ҳадемай профессор бўладиган бу инсон қаерга борса, ҳурмат-иззатда. Давраларнинг тўри, мақтобларнинг зўри уники. Тенгқурлари орасида биринчи бўлиб унга сўз берилади, табригу тилакларни ҳам биринчи бўлиб айтади. Мехмонга боргудек бўлса, уйнинг тўри ўшанга. Тағин «Бизларда шу бел йўқ-да...» деб икки ёстиқни буқлаб, дарров ёнбошлиб олади-да, гурунг бераверади. Суҳбатлари-да обрўсига яраша...

Аммо фақатгина бир жойда уйнинг тўрига ҳам ўтмайди, ёнбошлиб ҳам ўтирмаиди. Бу – товасининг уйида ва товасининг олдида...

Холиёр САФАРОВ

Ҳошиядан ташқарида

Йигит ўзрилик билан қамалди. Буни эшишган биринчи ўқитувчиси маҳбусни кўргани келди.

– Нега ундан қилдинг?..
– Билмадим... – кўзини ерга тикди йигит. – Мактаб даври эсингиздами? Дафтар ҳошиядан ёзувим четга чиқиб кетса, «бўлиб турради» дердингиз. Ўшанда кўлимга бир урмаган экансиз. Шунда қонун доирасидан чиқмас ва бу ерда ўтирмаган бўлармидим?..

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Тўнгич ўзил

Тўнгич ўзил олис юртда эди. Унга укалар бир неча кун қўнгироқ қилиб, туша олишмади. Бир кун охирги гўшак кўтарилиди.

– Алло? Ака?
– Ҳов, Самандаржон? Яхшимисан, укам?
– Раҳмат... Ака, бардам бўлинг. Отамдан айрилиб қолдик. Тўнгичимизсиз, отам сизни сўрай-сўрай тинкаси қуриди. Кўзи орқада кетди падаримизнинг...
– Эҳ... Нега бундай бўлди, Самандаржон? Отам ҳовлини кимга васият қилиб кетди?

Жасур КЕНГБОЕВ



Фарзандлар

Бобонинг уч ўэли гаплашиб келишарди: отасининг қишлоқقا нафи кўп теккан – ҳамма томларни ўзи ётган эди.

Бобонинг уч ўэли мақтаниб келишарди: отасининг давлатга ҳам нафи кўп теккан – уч ўэли уч мансабда!

Бобонинг уч ўэли мақтаб келишарди: отасидай мулоим одам йўқ – саксон ёшга кириб ҳам бирорвнинг кўнглини оврим-мабди...

Бобонинг уч ўэли... отасининг жанозасига уч кун кечикиб келаетганини ҳали билишимасди.

Байрам АЛИ

Сўқир

У болалар доғчасидан ўзирилаб келган бўрсилдоқ нонларни чўйчаларига тўйграб бераркан, нима учун худодан тилаб олган ўзлининг кўзлари кўр туғилганини ўйлаб юрак-юракдан эзилиб йивларди.

Бегзод ИБРОХИМ

Эшик

Онамнинг яна кўзи кўкарган. Бу гал ҳам эшикка уриб олибди.

Онам:

– Бўлди. Бас. У кунда билан яшамайсан. Ажрашасан.

Онам:

– Йўқ, у – эшик менинг ҳаётим.

Дилобар АСЛИДИН қизи

Тинчлик

– Эрингизни доим бузовта, беҳаловат ҳолда кўрамиз, нима гап? – сўради маҳалла оқсоқоли.

– У киши тинчлик ҳақида асар ёзаяпти, эътибор берманг, – жавоб берди аёл.

Луқмон БЎРИХОН

Ажримда

Ота қизига:

– Онангни танлайсанми, меними?
– Мени танлайсизми, укамними?..

Достон МУСАЕВ

Нодирабегим Иброҳимова тўплади

ҲУҚУҚИЙ АҲБОРОТ ПОРТАЛИ

A

advice.uz

Huquqiy axborot portali



Ўзингизни қизиқтирган маълумотлар билан 24 соат мобайнида узлуксиз танишиш имкони мавжуд.



Бунинг учун интернет тармоғига уланган мобил телефон ёки компьютернинг мавжудлиги кифоя.



@adviceuzbot



advice@adliya.uz



@huquqiyaxborot



fb.com/groups/adliya



Муаммоингизга ҳуқуқий ечим излаяпсизми?

Кимдан маслаҳат олишни билмаяпсизми?



Сиз қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар йўқ бўлса, порталдаги онлайн-маслаҳатчига мурожаат қилинг.



Агар интернетга боғланиш имкони йўқ бўлса, туман (шахар) адлия бўлимларида жойлашган "Advice.uz" портали бюороларига мурожаат қилинг.



"Advice.uz" порталидан олинадиган барча ҳуқуқий маслаҳатлар белуп.

Ҳуқуқий аҳборотни биз хоҳлаган пайтда эмас – ЎЗИНГИЗ ХОҲЛАГАН ПАЙТДА ОЛИНГ



Таар 21158

Ижтимоий-хукуқијај журнал
HUQUQ va BURCH
ОИЛА - МЕХДИ ВА
УМИД БУЛОМОВ

www.HUQUQBURCH.UZ
INFO@HUQUQBURCH.UZ
f HUQUQBURCH.UZ
A HUQUQBURCH.UZ

ХУКУҚИЙ МАДАНИЯТ
КУНДАЛИК ҚОИДА ВА
ОДАТИМИЗГА АЙЛАНСИН.



ОБУНА ИНДЕКСИ:

902

Ижтимоий-хукуқијај саводхонлиги юқори, хукуқији
иммунитети мустаҳкам, энг муҳими, бой тафаккур
эгаси бўлишни ким истамайди дейсиз?

Нашримиз – минбарингиз!

📞 (71) 277-04-26

Хизматлар лицензияланган